

**ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИАТЛАР  
ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ  
РУҳДАНТИРМОҚДА**

Батальонда ҳарбий хизматчиларнинг хизмат олиб бориши, улар доимий равишда касбий ва маънавий-маърифий тайёргарлик ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча имкониятлар яратилган.



**КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИГА  
РИОЯ ЭТИНГ!  
УЙДА ҚОЛИНГ!**



**ОНЛАЙН ДАРСЛАР ЎЗ  
САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА**



**НЕ СТАТЬ «ЖИВЫМ ТОВАРОМ»**

Торговля людьми – один из опасных видов транснациональной организованной преступности, нарушающих основополагающие права человека – на жизнь, свободу и безопасность, быть свободным от пыток, жестокого или унижающего достоинство обращения, работать в справедливых и благоприятных условиях.



O'zbekiston Respublikasi  
Ichki ishlar vazirligi nashri

# Postda На посту

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

2020-yil

16-iyul

payshanba

№ 24 (4462)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

**ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА**

## МАҚСАД – АҲОЛИГА СИФАТЛИ ХИЗМАТ ҚИЛИШ

Пойтахтимизнинг Сергели тумани ИИОФМБ 1-сонли ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.



**ЧЕККА ҲУДУДЛАРДА**

## ИККИ ҚАРРА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН





Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳри Тожикистон Республикаси билан чегара ҳудуд ҳисобланади. Шу боис ҳам шаҳар Ички ишлар бўлими ходимлари ҳудудда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида икки қарра масъулият билан хизмат фаолиятини олиб боришмоқда.



**ҚўШАҲИФАДА – БУХОРО ВИЛОЯТИ**

Ҳозирги пайтда вилоятдаги шаҳар ва туманларнинг чегара ҳудудлари ҳамда маҳалла ва қишлоқларнинг кириш жойларида 560 та «Жамоатчилик назорати» маскани фаолият кўрсатмоқда. Мазкур масканларга профилактика инспекторларига ёрдам бериш мақсадида жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари «жамоат назоратчиси» сифатида жалб қилинган.



## БУНЁДҚОРЛИК

БЕМОР МАҲКУМЛАР  
УЧУН ЯНГИ БИНО

Бухоро вилояти ИИБ ЖИЭБ 20-сонли ЖИЭК сил касалликларига чалинган бемор маҳкумларни сақлаш ва даволашга мўлжалланган. Шунинг учун бу ерда маҳкумларга зарур қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар учун шарт-шароитларни яхшилаш, уларга сифатли tibбий хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида колонияда замон талабларига мос равишда қурилган сил касалликлари бўлинмаси биноси фойдаланишга топширилди. Бинода етарлича хизмат ҳамда клиник лаборатория ва стерилизация хоналари мавжуд. Замонавий tibбий анжомлар ва мебель жиҳозлари билан таъминланган. Муассасада жазо

муддатини ўтаётган маҳкумлар 2 ва 3 кишилик палаталарда даволанади.

Айтиш мумкинки, янги даволаниш бўлинмаси биноси инсон ҳуқуқларини таъминлаш, бемор маҳкумларни даволаш, уларнинг ҳаётга бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

Нурали ЛАТИПОВ,  
майор.

Бухоро вилояти.

## АМАЛИЁТ

## ТИНГЛОВЧИЛАР ИШ ЎРГАНИШЯПТИ

Бугунги кунда юртимизда етук малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада ИИБ Академияси Сиртқи таълим факультетида ҳам кўплаб саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Жумладан, факультетнинг «Жиноятларнинг олдини олиш ва фош этиш фаолияти» мутахассислиги йўналишида тахсил олаётган 1- ва 2-ўқув курсларининг жами 1085 нафар тингловчиси учун жорий йилнинг 29 июнидан 18 июлга қадар ўзлари хизмат қилаётган ички ишлар органларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

ва тезкор-қидирув фаолияти бўйича иш ўрганиш амалиёти ташкил этилди.

Тингловчилар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва тезкор қидирув хизматларининг фаолиятини ташкил этиш борасида режа ва ҳисоботлар тайёрлаш, криминоген вазиятни таҳлил қилиш ҳамда ушбу жараёнда юритиладиган ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, тезкор-қидирув фаолияти бўйича бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни ташкил этиш ва амалга оширишни ўрганишмоқда.

– Амалиёт нафақат тингловчиларнинг таълим муассасасида олган билим ва кў-

никмаларини мустаҳкамлаш, балки хизмат фаолияти давомида жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш ҳамда содир этилиш сабаб ва шароитларини бартараф этиш борасидаги малакаларини шакллантиришга ҳам қаратилган, – дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ИИОФМБ 3-сонли ИИБ бошлиғи, подполковник Одил Салимов.



– Академияда олган назарий билимларимизни амалиёт орқали янада мустаҳкамляпмиз, – дейди ҳозирда Тошкент вилояти Бўка тумани ИИБда иш ўрганиш амалиётини ўтаётган Сиртқи



таълим факультети 2-курс тингловчиси Аъзам Туранов. – Эндиликда ушбу ўрганганларимизни хизмат жараёнида қўллаган ҳолда фаолиятимиз самарадорлигини оширишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Иш ўрганиш амалиётининг якуни бўйича ҳар бир тингловчининг амалиётни қай даражада ўтаганини тўғрисидаги хизмат тавсифномаси унинг ўқиш жойига жўнатилади.

Келгусида тингловчиларга ИИБ Академияси профессор-ўқитувчилари томонидан ўқитиладиган фанларни пухта ўзлаштириш билан бир қаторда, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий ва сиёсий янгиланган хабардор бўлиши, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича ҳам тақриф ва тавсиялар бериб келинмоқда.

Маҳмуд РУСТАМОВ,  
ката сержант.

## КУЗАТУВ

ИЗЗАТ-ИКРОМ  
БИЛАН

Мирзо Улуғбек тумани ИИОФМБда 5 нафар ходим нафақага кузатилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда бошқарма бошлиғи, подполковник Отамурод Аҳмедов уларнинг кўп йиллик хизматлари ҳамда ёш ходимларни тарбиялашдаги ҳиссасини таъкидлаб ўтди.



Нафақага кузатилган катта сержант Дилшод Икромов, сержантлар Рустам Хидиров, Ҳабибулла Назаров, Абдужалил Арипов ва кичик сержант Шерзод Мирзакаримов 20 йилдан ортиқ туман ички ишлар органларида хизмат қилиб, тинчлик ва осойишталикни таъминлашдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшдилар. Тадбирда уларнинг ўнлаб ҳамкасблари ва шогирдлари ҳам қатна-

шиб, чин кўнгилдан табриклашди. Ўз навбатида, нафақага кузатилаётган ходимлар юксак эътибор ва эъзоздан мамнун эканликларини билдиришди.

Тадбир сўнггида нафақага кузатилган ходимларга миллий тўн ва дўппи кийдирилиб, эҳтиром кўрсатилди.

Ўз мухбиримиз.

Тошкент шаҳри.




Ҳамма нарсани ўқийвериш ярамайди,  
дилда туғилган саволларга жавоб бера  
оладиган китобларнигина ўқиш керак.

Лев  
ТОЛСТОЙ



ЧЕККА ХУДУДЛАРДА

# ИККИ ҚАРРА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Ш**аҳар ИИБда ҳар доимгидек иш қизгин. Ҳозирги пандемия шароитида барча эҳтиёт чоралари қўрилган ҳолда хизмат ташкил этилган. Назорат-ўтказиш пунктида постда турган ходим санитария-гигиена қоидаларига амал қилган ҳолда, бинога кирётган барча ходимларнинг, қолаверса, фуқароларнинг тана ҳароратини ўлчаб, антисептик восита билан дезинфекция қилмоқда.

Бўлим бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, майор Шаҳобиддин Эшонкулов ҳамроҳлигида **навбатчилик қисми**нинг эрталабки иш жараёни билан танишдик.

**Н**авбатчилик қисмидан чиқиб, **жиноят қидирув бўлимига** йўл олдик.

– Утган 6 ой мобайнида ходимларимиз томонидан 20 та гиёҳвандлик, 11 та ўғрилик, 12 та фирибгарлик жинояти аниқланди, – дейди шаҳар ИИБ жиноят қидирув бўлими бошлиғи, майор Шоҳруҳ Абдурахимов. – Босқинчилик ва талончилик ҳолатлари қайд қилинмади. Яқинда ходимларимиз яна битта гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятни фош этишди.

Жорий йилнинг 5 июль куни вилоят ИИББ ЖКБ Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш бўлими ҳамда шаҳар ИИБ ЖКБ ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир давомида фуқаро Э.З. бошқарувидаги «Нексия-3» русумли автомашинада йўловчи бўлиб кетаётган, шаҳарнинг 11-даҳасида яшовчи, муқаддам судланган Ш.Л. гумонлиб текширилганида, унга тегишли сумка ичида оғирлиги 500 грамм бўлган гашиш

Навбатчилик қисми радиостанция, телефонлар, компьютер воситалари, шунингдек, видеокузатув камераларидан тасвир узатиладиган мониторлар билан жиҳозланган. Бу ерда телефонларнинг овози тинмайди.

– Навбатчи, майор Илҳом Ҳасанов эшитади, – дейди телефон гўшагини кўтарган ходим.

Шаҳар шифохонаси навбатчи ҳамшираси фуқаро Б.Д. йўл-транспорт ҳодисаси натижасида жароҳат олиб, мурожаат қилганлиги тўғрисида хабар қилди. Навбатчи, майор Илҳом Ҳасанов вазиятни англаб, тезда тергов-тезкор гуруҳини воқеа жойига йўналтирди.

гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди. Тезкор суриштирув ишлари натижасида у ушбу гиёҳвандлик моддасини таниши В.Ю.дан 3500 АҚШ доллари эвазига сотиб олгани ва Тошкент шаҳрида яшовчи мижозларига сотиш мақсадида олиб кетаётгани ойдинлашди. В.Ю. тезкор тадбир давомида гиёҳвандлик воситаси эвазига келишилган пулни олаётган вақтида қўлга олинди. Ҳозир ушбу ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.



**Ш**аҳар ИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан профилактик-огоҳлантирув тадбирлари мунтазам тарзда ташкил этиб келинмоқда. Жорий йилнинг дастлабки 6 ойи мобайнида ласпорт тизими қоидаларини 110 нафар фуқаро бузгани аниқланиб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари бўйича чоралар қўрилди.

– Жорий йилнинг ўтган даврида 172 нафар фуқаро доимий рўйхатга қўйилди, – дейди бўлими бошлиғи, капитан Жасур Шукуралiev. – Республикамининг бошқа вилоятларидан Бе-



**Б**екобод шаҳар ИИБ раҳбарияти ва масъул ходимлари томонидан хотин-қизлар масалаларига доимий равишда алоҳида эътибор қаратиб келинади. **ИИБ ХЎБ хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори, катта**

**лейтенант Нилуфар Деҳқонова** – бир фуқаронинг мурожаатини кўриб чиқаётган жараёнда учратдик.

– Фаолиятимиз мобайнида ажрим ёқасига келиб қолган оилаларни яраштириш, ишсиз хотин-қизларни бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда ишга жойлаштириш, ижтимоий кўмакка муҳтож аёлларга моддий ёрдам бериш, ҳуқуқий маслаҳат сўраб келганларга эса амалий ёрдам кўрсатиш каби масалалар ҳал этилмоқда, – дейди катта лейтенант

қилиш учун Тошкент вилояти ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига юборилган.

Шу билан бир қаторда, тумандаги 800 нафардан ошқ 16 ёшга тўлган ўқувчига илк мартаба фуқаролик паспортлари топширилди.

– Мен 16 ёшга тўлганлигим муносабати билан биометрик паспорт олдим, – дейди Динара Тошпўлатова. – Шахсни тасдиқловчи ҳужжатни олишда ҳеч қандай қийинчилик ва овозгарчиликка дуч келмадим. Ходимларнинг самимийлиги ва касбига садоқат билан ёндашиши мени қувонтиради.



Нилуфар Деҳқонова. – Шунингдек, бугунги куннинг энг муҳим ва оғриқли масалаларидан бири турмуш ўртоғи томонидан тазйиққа учраган 20 нафардан ортқ аёлга «Ҳимоя ордери» берилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишим керак.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, шаҳарнинг Сирдарё маҳалласида яшовчи аёл Д.Ж.дан турмуш ўртоғи Ф.Ш. доимий равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиши, бир неча йиллардан буён унга ва икки нафар фарзандига тазйиқ ўтказиб келаётгани ҳақида мурожаат келиб тушди. Мурожаат ўрганилганида, ҳақиқатан ҳам, оилада носоғлом муҳит ҳукмронлиги, аёлга эри томонидан зўравонлик қилинаётгани маълум бўлди. Шунга кўра, Д.Ж.га «Ҳимоя ордери» берилди. Унинг турмуш ўртоғи Ф.Ш. билан эса профилактик суҳбат ўтказилиб, «Ҳимоя ордери» бўйича қўйилган талаб ва чекловлар тушунтирилди.

**Г**увоҳи бўлганингиздек, Бекобод шаҳар ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиб, астойдил хизмат олиб боришмоқда. Бу юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлашда муҳим ўрин тутаяди, албатта.

**Сарвар СОБИРОВ,**  
«Postda» мухбири.  
**Абу КЕНЖАЕВ** олган суратлар.

## БИЛАСИЗМИ?



Йўналишсиз таксилар «Тўхташ тақиқланади» белгиси амал қилиш ҳудудида тўхташ ҳамда йўналишли транспорт воситалари учун махсус ҳаракат йўналишида ҳаракатланиши мумкин.

Транспорт воситаларидан чиқинди ташлаш жавобгарликка сабаб бўлади. Поездларнинг вагонлари, автотранспорт воситалари ва шаҳар йўловчи транспортдан чиқинди ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш – 44 600 сўмдан 223 000 сўмгача жарима солишга сабаб бўлади.

«Ҳуқуқий ахборот» телеграм каналидан олинди.



МУНОСАБАТ

# УЙДА ҚОЛИНГ! КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИНГ!



Апрель ойдан буён карантин ҳудудидаман. Бу ерга асосан хориждан келган ҳамюртларимиз қабул қилинади. Уларда касаллик аломатлари аниқланмаса, уйларига рухсат берилади. Айтишим жоизки, бу ерда карантинга олинган фуқаролар учун зарур шароитлар яратилган. Санитария талаблари бўйича лаборатория ташкил қилинган. Карантинда сақланаётган фуқароларга шифокорларнинг тавсиялари бўйича уч маҳал бепул озиқ-овқат берилмоқда. Улар кийимларини ювиши учун кир ювиш хоналари ҳам мавжуд. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида камера кузатувлари жорий қилинган. Ҳудуд Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ва ИИБ ходимларининг тўлиқ назоратида. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент вилояти ҳокимликлари ходимлари ҳам сафарбар этилган бўлиб, ҳамжиҳатликда иш олиб борилмоқда.



**Хайрулла ОТАБОВЕВ, Тошкент вилоятидаги «Уртасарой» марказий карантин зонаси штаб бошлиғи.**

Фурсатдан фойдаланиб айтмоқчиманки, ҳозирги пандемия шароитида халқ ва давлат ҳар қачонгидан ҳам бирлашадиган, бир-бирини ҳар томонлама қўллаши талаб этиладиган давр. Сиз ушбу вазиятда биз қабида уйга бормай меҳнат қилаётганларга, чора излаётган раҳбарларимизга қандай ёрдам беришингиз мумкин? Бундай пайтда фақатгина белгиланган тартиб-қоидага амал қилиб, уйда қолишингиз ҳаммамиз учун энг катта кўмак ҳисобланади. Қадрли юрдошлар, карантин даврида зарурат бўлмаса, кўчага чиқманг. Вақтингизни оилангиз, фарзандларингиз даврасида ўтказинг. Ўзингизни, яқинларингизни асранг!

Карантин ҳудудидаги контейнер-палаталарнинг ҳар бири 4 киши яшаши учун мўлжалланган. Хонада телевизор, кондиционер, шунингдек электр чойнак ҳам бор. Ҳар бир контейнерда иссиқ ва совуқ сув, душ, хожатхона мавжуд. Фуқаролар ташқарига чиқиб, тоза ҳаводан нафас

олиши учун кичик майдончалар бор. Шунча шароитларга эга бўлса-да, олиб келинган ҳар қандай соғлом одам ҳам аввалига бироз эсанкираб, тушкунликка тушиб қолади. Айримларнинг руҳиятида эса жиддий ўзгаришлар юзга келади. Айниқса, ҳомиладор


аёл бу жараёни энг би ўтиши жуда қийин кечади. Ана шундай пайтлари биз, албатта, психологлар, ички ишлар органлари ходимларининг ёрдамига таянамиз. Ички ишлар органлари ходимлари шифокорларимиз хавфсизлиги учун ҳам алоҳида қайғуришади.

Карантин ҳудудида сақланаётган айрим фуқароларни тождор вирус эмас, бошқа касалликлар безовта қилиши мумкин. Бундай ҳолатда бириктирилган шифокорлар муолажа олиб боришади. Имконсиз вазиятларда беморни тегишли шифохонага етказиш чоралари кўрилади.

АКС-САДО

## «КЎЗИНГИЗНИ ОЧИНГ» ДЕГИМИЗ КЕЛАВЕРАДИ

«Postda – Ha postu» газетасида чоп этилган «Кулфат келтирадиган иллат» мақоласини ўқиб қаттиқ таъсирландим. Ундаги мисоллар инсон учун бир бора берилган умр ичкиликбозлик ортидан хазон бўлишининг исботи эди. Беихтиёр кўз олдимдан шу иллатнинг аянчли оқибатлари ҳаётига соя солган инсонлар, у билан боғлиқ вазиятлар бир-бир ўта бошлади.



Автобус. Салонда қандайдир сокин куй янгради. Ҳали кўшиқнинг сўзлари бошланди улгурмай, бу оҳангларда аллақандай дард борлигини ҳис этдим. Кўшиқ ичкиликка берилган отаси туйфали мурғак қалби, жисми-жони азобда қолган болакай тилидан эди. Нақаратда «Дадамга ичирманг, одамлар, илтимос, дадамга ичирманг, одамлар...» сўзлари айланарди. Бекатга етиб келдим ҳам кўшиқ тугади, автобусдан тушиб қолдим. Маҳалла бошидаги дўконча ёнида бир йигит маст аҳволда ерда думалаб ётарди...

Инсоннинг мазмунли ва ҳавас қилса арзигулик яшаши, аввало, ўзининг қўлида. Аммо орамизда ҳаёт мазмунли, гўзаллигини фақатгина сархушиликда ҳис этадиганлар йўқ эмас. Энг ёмони, шундайларнинг қилмишлари уларнинг яқинларига азоб-уқубат, дард-алам бўлиб қайтади. Ичкилик ҳеч бир оилани, хонадонни обод қилган эмас. Аксинча, қанча-қанчаларнинг ҳаётини изидан чиқариб, орзу-умидларини барбод қилгани ҳақида ҳаётий мисоллар кўп.

Бир оилани биламан. Ҳозир шу хонадон жуда аянчли аҳволда. Сабаби, вақтида топиш-тутиши яши бўлган ушбу оила бошлиғи кўпчилик «шиша ичидидаги шайтон» дея таъриф берган ароққа ружу қўйди. Ичмаган кун и йўқ. Аёли, ўғил-қизи аллақачон ичувчи эр, отадан юрак олдириб бўлган. Уйда ҳаловат, рўзғорда барака йўқ. Бир пайтлар яши ниятлар билан солинган иморатнинг иккита хонаси кумшувоқ қилинган, холос. Ҳар кун и камида бир-икки мартаба бўладиган бақирчақир, коса-товоқнинг синиши каби нохуш вазиятлардан қўни-қўшнлар ҳам безор бўлишган. Қишининг қировли кунидами, кундузми, туннинг яримдами ховлининг ўртасида ё уйнинг бурчагида соатлаб оғзига келганини қайтармайдиган сархуш отанин

гўеки тергашини эшитаётган болаларнинг гуноҳи-чи? Кўшнлардан бири эндигина 10-12 ёшдаги болаларнинг ўзaro «Яшагим келмаяпти. Отамиз қачон ўлиб қолар экан-а?...» дея ҳасратлашаётганини эшитиб қолибди. Бу болаларда бундай фикр шаклланишига отанин ўзи сабабчи эмасми?... Ахир, улар ҳам бахтли оиланин бахтиёр фарзанди бўлиши мумкин эди-ку?! Айтинг-чи, қайси бола отаси суюб эркалаб, кучишини хоҳламайди? Ким отасини суянч, қалқон билиб: «Дадамга айтиб кўрай, дадам билан маслаҳатлашаман, дадам билади» ёки оғзини тўлдириб: «Дадам олиб беради» дейишни истамайди, дейсиз?! Ичкиликка бошловчи сабаблар нимада? Биринчиси иродасизлик. Кейин дангасалик ва ялқовлик. Ароқ ичиши учун ҳаммиса сабаб топилади. Омадсизлиги, бахтсизлигини вақ қилиб, гўё аламзадаликдан ичкиликка берилиш қанчалик тўғри?! Бу ваҳларнинг бари биргина иродасизлик ортида қолиб кетишини, минг афсуски, кўпчилик тан олгиси келмайди. ...Зиёли оиланин ўғли роса ичишга берилди. Олий маълумотли йигит. Оилали, фарзанди бор. Ёши 40ни чоралаган йигитнинг ҳалигача тайинли иши йўқ. Чунки ўзи бироз ношудроқ. Энг ёмони, камчиликларини тан

олиш ўрнига, «омадим чопмади», «омадсизман» дея нолийди. Миясига «ичсам кўзимга ҳаммаси бошқача кўринади, барини унутаман» деган жуда жўн фикр ўрнашиб олгани боис тинимсиз ичади. Унинг учун бирор ишнинг бошини тутиб, оиласига бош бўлиш, рўзғорини бутлаш ва фарзандларига лоақал бир оғиз ширин сўз айтишдан кўра, унга ким бўлишдан қатъий назар, «шишадан» дўст, улфат афзал. Мана сизга иродасизликнинг энг оддий кўриниши. Чумолиларнинг меҳнат-кашлиғига тан берамиз. Уларнинг жуссасидан анча катта дон-дунни минг машаққат билан ортмоқлаб кетиши ҳайратимизни ошириши ҳам бор гап. Ҳаёт синовларига дош берамай, ўзининг иродасизлигини ўзича оқлаб, ичкиликка ружу қўйганлар чумолидан сабр-бардош, ирода бора-сида сабоқ олгани дуруст-масмикми?! Ичкилик. Аёлнинг умидлари сўниб, кўзида бахтдан бир нишона йўқ. «Дадамга ичирманг» дея мурғакликдан қартайган бола. Тугуруқсиз ҳаёт. Бу борада ҳаётий мисоллар жуда кўп, минг афсус. Шундай вазиятларда, баъзиларга қарата такрор ва такрор «кўзингизни очинг» дегимиз келаверади.

**Мавлуда ЗОКИРОВА, ўқитувчи.**

# БУХОРО ВИЛОЯТИ

**Вобкент тумани**  
Ички ишлар бўли-  
мида ўз касбининг  
фидойиси бўлган  
ходимлар кўпчили-  
кини ташкил этади.  
Профилактика катта  
инспектори, майор  
Аҳрор Аблақулов ана  
шундай осойишта-  
лик посбонларидан  
биридир.



## ТАЖРИБАДА ГАП КЎП

Майор Аҳрор Аблақулов «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғини аҳоли осойишталигини таъминлашга масъул. Шу билан бирга, у яна учта маҳаллада хизмат олиб бораётган профилактика инспекторларининг ишини назорат қилиб боради. Унинг кўп йиллик тажрибаси, юқори касбий маҳорати шогирдларининг хизмат фаолияти самарадорлигини оширишда ҳам кўл келмоқда.

Яқинда вилоят ИИБ томонидан янги жорий этилган профилактика инспектори лавозимларига танлов эълон қилинди. Сўнгра танловдан муваффақиятли ўтган ўн нафар номзод профилактика инспектори лавозимида хизматга қабул қилинди. Уларга кўп йиллик хизмат тажрибасига эга ходимлар

мураббий этиб бириктирилди. Майор Аҳрор Аблақулов бугунги кунда катта сержант Жаҳонгир Шариповга мураббийлик қилиб, касбнинг сирларини кунт билан ўргатапти.

– Ички ишлар органлари ходимлари сафида хизмат қилиш орзуим эди, – дейди катта сержант Жаҳонгир Шарипов.

– Болалигимдан миллий кураш билан шуғулланганим, Бухоро давлат университетини тугатиб, етти йил ўқитувчилик қилиб, тажриба тўплаганим танловда жуда асқатди. Ҳозир тумандаги Найман маҳалласида хизмат бурчимни олиб бораёман. Билмаганларимни мураббийим – майор Аҳрор Аблақуловдан сўраб ўрганаёман.

– Жаҳонгир мослашиб, хизматга осон киришиб кетди, – суҳбатга қўши-

лади профилактика катта инспектори, майор Аҳрор Аблақулов. – Маҳалларимизда асосан оилавий муаммолар оғриқли масалалардан бирига айланган. Жаҳонгирнинг педагогик маҳорати бу каби муаммоларга ечим топишда кўл келмоқда.

Майор Аҳрор Аблақулов оилавий муаммоларнинг кўпини кўрган ва ўз вақтида ечимини топган. У хизмат тажрибасидан келиб чиқиб, шогирдларига масаланинг туб моҳиятини аниқлаб, кейин қарор чиқариш лозимлигини уқтиради. Шогирдлари ҳам ўзидек талабчан, изланувчан ва бир ишни бошладимиз, охирига етказмай қўйишмайди.

**Собир ҚУРБОНОВ,**  
майор.

Ромитан туманида хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликка барҳам бериш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Аёлларнинг турмуш шароитлари манзилли ўрганилиб, ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда.

## АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

Уй-жойга муҳтож бўлган 13 нафар аёл тумандаги ижтимоий ётоқхонага жойлаштирилди. Улар орасида 35 ёшли II гуруҳ ногирони, икки нафар вояга етмаган фарзандини ёлғиз тарбиялаётган Г.Наврўзова ҳам бор. У олти йилдан буён ижарада яшаб келарди. Уй-жойга муҳтожлигини инобатга олган ҳолда, ётоқхонага жойлаштирилиб, унга моддий ёрдам нафақаси тайинланди.

ган оила сифатида рўйхатда турувчи хотин-қизлар ташкил этади. Ўрганишлар давомида корхонада фаолият юритаётган аёлларнинг муаммолари тингланиб, амалий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, тадбирлар давомида ички ишлар органлари назоратида бўлган 11 нафар аёл билан профилактик суҳбатлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб бо-



Туман Бандликка кўмаклашиш маркази, тижорат банклари, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда аёлларнинг бандлиги таъминлаб келинмоқда. Жумладан, тумандаги 3-сектор ҳудудида «Ромитан чеварлари LEO-TOYS» тикув корхонаси ишга туширилиб, 50 нафар ишсиз аёл жалб қилинди. Улардан 11 нафари кам таъминлан-

рилди. Нотинч оилаларнинг муаммолари муҳокама қилиниб, яраштириш чоралари кўрилди. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш мақсадида 6 нафар аёлга ҳимоя ордерлари берилди.

Туман ҳудудида ўтказилаётган бу каби тадбирлар вилоят миқёсида давом эттирилмоқда.

**Насиба ФАТУЛЛАЕВА,**  
майор.

## ЙПХ ХОДИМЛАРИГА МОБИЛЬ ПЛАНШЕТЛАР

Вилоят ИИБ ЙХБ йўл-патруль хизмати ходимлари мобиль планшет кўринишидаги яна бир замонавий мосламага эга бўлишди. Мазкур турдаги планшетлар ўзининг қатор афзалликлари билан халқро миқёсда ҳам кенг қўлланилади.



Ушбу планшет махсус ҳимоя воситасига эга бўлиб, ҳар қандай об-ҳаво шароитида нуқсонсиз ишлайди. Баландликдан ерга тушиб кетса ҳам унга ҳеч қандай шикаст етмайди. У бир маротабалик қувват билан 3 сутка давомида йўл-патруль хизмати ходимининг доимий ҳамроҳига айланади.

Қурилманинг асосий афзалликларидан бири ҳайдовчи ва йўл-патруль хизмати ходимининг вақтини тежашди, улар ўртасидаги турли низоли ҳолатларнинг олдини олишидир. Ходим ҳар қандай қоидабузарлик бўйича воқеа жойининг ўзида маъмурий баённома расмийлаштириши, ҳайдовчининг ҳайдовчилик гувоҳномаси ва шахсий маълумотларини қисқа фурсатда аниқлаши, илгари жаримага тортилган-тортилмаганлигига ойдинлик киритиши, бармоқ изларига асосан ҳужжатларнинг кимга тегишлигини аниқлаши мумкин.

Мобиль планшетларнинг яна бир қулайлиги – келиб чиқадиган норозилик сабаб баённомаларни йиртиб ташлаш каби ҳолатларнинг олди олиниши. Мосламага қонунбузилиш ҳолати қайд этилган вақтнинг ўзида маълум-

отлар умумий базага жўнатилади ва фуқаро қандай ҳуқуқбузарлик содир этгани ҳақида огоҳлантирилади. Энг муҳими, реал ҳолат борица қайд этиб борилади. Айтилик, тўхташ мумкин бўлмаган жойда тўхтаб туриш, пиёдага йўл бермаслик, светофор ишораларига бўйсунмаслик каби вазиятлар бир неча сония ичида, фақат тасвирга олиш орқали расмийлаштирилади.

Планшет орқали куннинг исталган маҳалида шубҳали туюлган шахслар ҳақида маълумот олиш ва қонуний чора қўллаш имконияти яратилган. Бундан ташқари, фуқаронинг шахси тасдиқлангач, мослама ёрдамида шу жойнинг ўзида ҳар қандай жаримани онлайн тарзда амалга ошириш мумкин. Яъни у замонавий терминал вазифасини ҳам ўтайди.

Хуллас, ушбу замонавий қурилма аввало, қоидабузарликлар сонини камайтириш, ҳайдовчиларни янада ҳушёрроқ бўлишга чорлаган ҳолда, уларнинг маданияти юксалиши учун хизмат қилади.

**Улуғбек ШУКУРЛАЕВ,**  
катта лейтенант.

## УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

## КОРРУПЦИЯ – ВРАГ ПРОГРЕССА

**Коррупция – причина бедности, безработицы, социального неравенства, низкого уровня жизни. Организация Объединенных Наций признала это зло современности одним из важнейших вопросов, решением которого должны заняться все страны мира. Принятие Конвенции ООН против коррупции свидетельствует о том, что международное сообщество активно приступило к устранению и предупреждению этого порока.**

В настоящее время проводятся различные сопоставительные исследования состояния коррупции. К примеру, Индекс восприятия коррупции, разработанный по методике неправительственной организации Transparency International (TI), отражает уровень распространенности коррупции в государственном секторе.

По мнению многих исследователей, взяточничество, подкуп, откаты являются следствием перекоса, наблюдающегося при исполнении контролирующих и управленческих функций, регулирующих экономическую деятельность государства, а также пассивности конкурентной среды и монополизации экономики. Эксперты приходят к мнению, что коррупция, в основном, возникает в странах со слабой экономикой.

Взяточничество, подкуп подрывают основы экономики, нарушают свободное движение денежных средств. Прибыль, полученная коррупционным путем, не идет в казну страны. Коррупционеры переводят ее в недвижимость, золото, драгоценные камни, осуществляют тайные накопления денежных средств, полученных с помощью взяток. Нарушение денежного обращения оказывает негативное влияние на экономику в целом, ее круговой оборот, что приводит к сбою в процессе монетизации национальной экономики (обеспечение деньгами).

Коррупция позволяет скрыть от налогообложения большую часть доходов субъектов частного сектора экономики. Сама являясь своеобразным налогом, она заставляет предпринимателей нести дополнительные расходы, снижая возможность инвестирования в экономику.

В большой степени состояние экономики отражают развитие демократии, свободная пресса, прозрачный



финансовый механизм. Поэтому многие страны проводят политические реформы с целью построения демократического гражданского общества и достигают серьезных успехов в борьбе с коррупцией. В ином случае развивается теневая экономика.

Между распространением коррупции и развитием теневой экономики имеется неразрывная связь. Они оба имеют один корень. Постоянно возводя административные преграды, для преодоления которых нужны откаты и взятки, представители теневой экономики подстегивают коммерческий сектор к поиску обходных путей, которые, как правило, приводят к взяткам и подкупу должностных лиц.

Коррупция означает скрытое распределение доходов, что ведет к соци-

альной несправедливости. Огромные суммы перераспределяются между субъектами теневого рынка, передаются из рук в руки. Это является благодатной почвой для расцвета



организованной преступности, терроризма, других угроз безопасности общества, что в результате подрывает доверие народа к власти, которая не может навести порядок и привлечь к ответственности коррупционеров, подрывающих экономическое развитие страны, ослабляющих работу демократических институтов, нарушающих общественный порядок.

Узбекистан не остался в стороне от борьбы с коррупцией, проводимой в настоящее время во всем мире. В январе 2017 года был принят Закон «О противодействии коррупции», в соответствии с которым реализуется ряд эффективных мер.

В недавнем прошлом во многих сферах нашего общества царил бюрократизм, в связи с чем у населения сформировалось недоверие к управленческим структурам. На протяжении многих лет имела место усиленная централизация функций и полномочий государства, которая являлась одним из источников «кормушки» для коррупционеров.

В нашей стране проводится большая работа по предупреждению коррупции, предоставляются реальные возможности для оптимизации отчетов хозяйственной деятельности, в частности документов по расчету налогов, уменьшения налоговой нагрузки, внедрения налоговых каникул, либерализации (к примеру, в направлениях, где требуется получение лицензий), выявления предприятий, прибыль которых не поступает в государственную казну.

Одной из мер борьбы с коррупцией является повышение прозрачности экономических и политических процессов. В 2019 году был впервые широко обсужден Государственный бюджет нашей страны, он был принят в духе открытости и гласности. Различные министерства и ведомства четко указали, на что и каким образом будет потрачен каждый сум.

Для определения причин и условий возникновения коррупции был разработан список «предупреждающих сигналов». Проводится социологическое исследование с целью определения уровня общественного мнения по уровню коррумпированности регионов (областей, районов) и ведомств (образование, здравоохранение, строительство и другие).

Так, в соответствии с Указом Президента в Узбекистане создано Агентство по противодействию коррупции. В ведомствах устраняются бюрократия и волокита, которые ведут к коррупции. Его основными задачами определены системный анализ коррупционных рисков, разработка государственных программ заблаговременного предупреждения коррупции, обобщение ведомственных программ «комплаенс-контроля», расследование коррупционных преступлений.

Реформируются законодательство и судебная система. На основе успешного опыта зарубежных стран в Узбекистане проводится поэтапное внедрение системы принятия, проверки и раскрытия для широких масс деклараций о доходах и имуществе государственных служащих.

Узбекистан взаимодействует с ООН, Исламской организацией сотрудничества, ШОС, СНГ. Возобновлено сотрудничество с Европейским банком реконструкции и развития.

Открыто публикуются цифры, отражающие состояние экономики, идет отказ от погони за нереальными цифрами. В качестве основных целей реформ определены практическая эффективность, интересы народа и конкретно отдельного человека. Все принимаемые в этом направлении усилия должны сыграть свою роль в преодолении коррупционных проявлений в нашей стране.

**Энвер БАРИЕВ,**  
подполковник.



ЗАКОН И ЕГО ИСПОЛНЕНИЕ

# Каково это – жить без гражданства?

2 465 жителей области на сегодняшний момент не имеют гражданства.

Известно, что в период с 2007 года по декабрь 2016-го власти республики вообще не выдавали паспорта иностранцам и лицам без гражданства. С 2017 года ситуация в корне поменялась. Только в прошлом году полноправными гражданами нашей страны стали 149 человек. С начала текущего года семь жителей области стали гражданами Узбекистана.

Мы пообщались с самаркандцами, давняя мечта которых наконец исполнилась, и спросили: каково это – жить без гражданства?



## РАЗЪЯСНЕНИЕ

**Даврон НОРЧАЕВ, начальник Управления миграции и оформления гражданства УВД Самаркандской области, подполковник:**

– 28 февраля Сенат одобрил новую редакцию Закона «О гражданстве Республики Узбекистан». В соответствии с ней вдвое сократилось количество документов, подаваемых для получения гражданства. Сейчас ведется работа над созданием электронной базы данных для обмена информацией между министерствами и государственными органами, занимающимися вопросами гражданства. Это позволит заявителю экономить время и не бегать по инстанциям и госорганам за справками и характеристиками.

Теперь с 1 апреля 2020 года гражданами страны смогут стать лица без гражданства, прибывшие и постоянно прописанные в Узбекистане до 1 января 1995 года, не принявшие иностранного гражданства и проживающие до вступления в силу нового закона на основании вида на жительство. На тех же основаниях в гражданство вступает ребенок, чьи родители (одинокий родитель) признаны гражданами.

Для этого нужно подать заявление в подразделение органа внутренних дел по месту постоянного проживания, приложив к нему анкету, документ о виде на жительство, свидетельство о браке или его расторжении, справку о перемене Ф.И.О. (если были изменения) и документ об уплате госпошлины (2 БРВ).

Документы рассматриваются в течение трех месяцев со дня подачи. Если все вышеперечисленные основания подтверждаются, заявитель получает гражданство на основании заключения руководителя регионального подразделения внутренних дел, согласованного с МВД.

**Замира БАЛТАЕВА, корреспондент «На посту».**

Самаркандская область.

### «НЕ СМОГЛА ПРОСТИТЬСЯ С МАТЕРЬЮ»

**Халима ХАЙДАРОВА, 47 лет:**

– Я родилась и выросла в Таджикистане. В 1997 году вышла замуж и переехала в Узбекистан. На протяжении последних 15 лет не выезжала из страны, даже не простилась с матерью. Ее не стало в 2011 году. Тогда у мужа был инсульт, и я не смогла оставить его одного. До сих пор вино себя в том, что не проводила маму в последний путь.

Попыток получить гражданство было много, но мне по разным причинам отказывали. Всегда утомляла бумажная волокита, процесс продления вида на жительство, каждые пять лет с оплатой госпошлины... Это вызывало дискомфорт.

Общаясь с отцом, которому уже более 80 лет, я обещаю приехать. В последние месяцы из-за объявленного карантина я не могу выполнить обещание. Как только откроются дороги, обязательно поеду навестить отца.

### «РЕШИЛАСЬ МОЯ МНОГОЛЕТНЯЯ ПРОБЛЕМА»

**Гулафзо СУЛТОНОВА, 27 лет:**

– В 1995 году наша семья из Таджикистана переехала в Узбекистан – моего отца пригласили преподавать в Самаркандский колледж искусств. В нашей семье трое детей, но только я пошла по стопам отца. Окончив колледж искусств, осталась работать здесь, вышла замуж, у меня подрастают двое детей. Сестра и брат вернулись в Таджикистан.

Несколько лет назад впервые обратилась в посольство для получения гражданства, но так и не смогла довести дело до конца из-за кучи документов, которые нужно было собрать. Узнав об упрощении процедуры, сдала документы и стала ждать. И вот третьего марта мне позвонили и сказали, что я получила гражданство. Я даже не поверила вначале, что решилась моя многолетняя проблема. Вы бы видели, как радовались муж и свекровь, когда я сообщила им эту новость!

### «КОГДА ТЕРЯЕШЬ НАДЕЖДУ...»

**Хуршеджон СУЛТАНОВ, 31 год:**

– Я родился в Таджикистане. В 1992 году во время гражданской войны погиб отец. Спустя три года, когда мне исполнилось шесть лет, мама решила переехать в Узбекистан, где жила ее сестра. С 1995 года живем в Самарканде. Мама преподает в школе, я открыл небольшую цех по производству пластиковых окон и дверей.

В Таджикистане у нас остались родственники, и каждый раз, когда мама собиралась к ним в гости, приходилось получать визу в посольстве. Все эти годы мы даже не пытались получить гражданство, понимая, что наши ожидания вряд ли будут оправданы. Конечно, жизнь сложилась бы иначе, если бы у меня было гражданство: я мог бы служить в армии, пользоваться льготами. Отсутствие гражданства мешало и налаживанию деловых связей с зарубежными партнерами.

Совсем недавно мне позвонили и сказали, что мы с мамой можем забрать паспорта. Я очень рад. Если бы это произошло раньше, возможно, многое сложилось бы по-другому.

## ПО МАТЕРИАЛАМ СЛЕДСТВИЯ

До чего доводит желание «нагреть руки» за счет чужого имущества, всем хорошо известно. Преступники, промышляющие кражами, прекрасно осознают, что удача в их ремесле недолговечна – не за горами момент, когда на запястьях с металлическим звоном сомкнутся наручники, а дальше по накатанной – следствие, суд, обвинительный приговор и места не столь отдаленные.

# Кража в три хода



По факту кражи в СО при УКД ОВД Бектемирского района начались следственные действия.

Дело вел молодой следователь лейтенант Достон Эгамбердиев, который, предоставив неопровержимые улики, полностью доказал вину подсудимого. Ему вскоре было предъявлено обвинение по пункту «а» части 3 статьи 169 («Кража») УК Республики Узбекистан. Руслан Краснов предстал перед судом.

Что же мы имеем в итоге? Наказание с лишением свободы, даром и впустую потраченные годы, а впереди – туманная перспектива вновь встать на преступный путь? Не лучше ли отбросить прошлое и, начав все заново, жить как люди, честно и достойно. Надеемся, что герой нашего повествования, наконец, одумается и примет правильное решение.

(Имя и фамилия вымышленные.)

**Георгий ПЕТРОСЯН, корреспондент «На посту».**

Отрадно, что многие из тех, кто попал за решетку, со временем идут на исправление, пересматривают пройденные этапы жизни и выходят на свободу с чистой совестью, навсегда завязав со своим криминальным прошлым. Но есть и те, кто с завидным упорством и верой в воровскую удачу и везение вновь идут на промисел, чтобы в один из дней опять предстать перед правосудием...

Подобный криминальный сюжет развернулся в Бекте-

мирском районе столицы. Некий Руслан Краснов, ранее судимый, нигде не работавший и работать не собиравшийся, решил поживиться в одном из местных домов. Подгадав момент, когда хозяйка уедет на дачу, он проник внутрь, но так как был изрядно пьян, просто свалился на диван и заснул крепким сном.

Проснувшись поздней ночью и протрезвев, Краснов решил ничего здесь не брать, а проникнуть в соседский дом. Не поднимая лишнего

шума и возни, опасаясь разбудить крепко спавших домочадцев, джентльмен удачи пробрался к холодильнику и основательно подкрепился. Вкусно закусив, Краснов и здесь решил долго не задерживаться и, перепрыгнув через забор, забрался внутрь третьего дома, расположенного по соседству. Вот тут-то он и нашел искомое – гитару, весьма неплохого качества и немалой стоимости. Как обычно, без лишнего шума, подобно бесплотному при-

зраку, Руслан Краснов с музыкальным инструментом покинул жилище. Несколько дней спустя он выставил краденную гитару на продажу на интернет-площадке OLX.uz за 400 долларов США.

Однако хозяйка музыкального инструмента тоже не сидела сложа руки. Обнаружив пропажу, они обратились с соответствующим заявлением в органы внутренних дел.

Вскоре оперативные сотрудники вышли на Руслана Краснова. Он был задержан.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Жаҳоннинг турли мамлакатларидаги камбағаллик, ишсизлик, даромаддаги тенгсизлик, турмуш даражаси пастлигининг илдизи айнан коррупция тусидаги жиноятчилик билан боғлиқ экани сир эмас. Шу боис ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти коррупция ҳодисасини муҳим ва махсус масала, деб эътироф этди. Ташкилот томонидан Коррупцияга қарши конвенциянинг қабул қилиниши халқаро ҳамжамият ушбу иллатнинг олдини олиш ва илдизини қуритишга дадиллик билан киришганлигининг яққол ифодаси, дейиш мумкин.

Янги Ўзбекистон эндиликда коррупцияга қарши курашишда аниқ позициялар белгилаб олиб, қатор чора-тадбирлар амалга оширмоқда. Ваҳоланки, яқин ўтмишда мамлакатимизда барча соҳаларда бюрократия, сансалорлик ва коррупция авж олгани, мазкур иллатлар кишилар кайфиятига, турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатгани, бу пировардида, аҳолининг давлат органларига салбий муносабатини шакллантирди.

Мамлакатимиз учун энг оғир муаммолардан бири – давлатнинг функция ва ваколатлари йиллар давомида ҳаддан ташқари марказлашиб кетгани эди. Бу эса коррупцияни озиқлантирувчи асосий манбалардан бири саналади.

Расмий маълумотларга кўра, 2018 йил 1 январга қадар мамлакатимизда 64 та лицензия тури мавжуд бўлса, шундан 21 таси Вазирлар Маҳкамаси, 40 таси марказий идоралар томонидан бериларди. Бу лицензияларнинг учтаси вилоят ҳокимликлари ва фақатгина биттаси туман ҳокимликлари ваколатига тегишли эди. Бундай ҳолатни руҳсат бериш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш соҳасида ҳам кузатиш мумкин. Руҳсат беришга оид 220 та ҳужжатдан фақатгина 11 тасини туман ёки шаҳарларда олиш мумкин бўлган, қолган 209 таси учун республика ва вилоят органларига мурожаат қилишга тўғри келган. Буларнинг барчаси маҳаллий тузилмаларга ҳудудлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш бўйича мустақил иш олиб боришда салбий таъсир кўрсатган ва коррупцияга кенг йўл очиб берган.

**Коррупция ижтимоий ҳаётнинг бирламчи асоси – иқтисодийнинг хавф-хатар манбаи бўлиб, у, айниқса, мамлакатда пул оқими издан чиқаради. Маълумки, иқтисодий ва молиявий хавфсизлик давлат бюджетининг дефицитсиз бўлишини тақозо этади. Коррупция йўли билан топилган даромад очик ишлатилмайди. Коррупционерлар ноқонуний даромадларини жавоҳиротга айлантиради ёки бўлмаса даромаднинг порага айланган қисми яширин равишда жамғарилади. Бу эса мамлакатнинг монетар хавфсизлигига, яъни пул муомаласига таҳдид солади. Пул муомаласининг издан чиқиши иқтисодийнинг айланма оборотига салбий таъсир кўрсатади.**

Ҳозирги вақтда коррупция бўйича турли қиёсий тадқиқотлар ўтказил-

моқда. Ушбу соҳадаги энг машҳур ишланмалардан бири «Коррупцияни идрок этиш индекси» бўлиб, уни



1995 йилдан бошлаб иш олиб бораётган Transparency International (TI) мутахассислари ишлаб чиққан. Ушбу тор ихтисослашган интеграл индекс давлатларни умумий коррупциялашганлик даражаси бўйича, яъни коррупциянинг турлари ва шакллари инобатга олган ҳолда ажратади.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, коррупция юқори даражадаги солиқлар ҳамда давлатнинг иқтисодий фаолиятни назорат қилиш ва бошқариш функциялари катталигининг оқибатидир. Ушбу омиллар сирасига рақобат муҳитининг сустлиги ва иқтисодий монополиянинг мавжудлиги ҳам қўшилади. Коррупция асосан демократик институтларнинг ноадекватлиги ва ожизлиги туфайли юзага келади, деган фикр ҳам мавжуд. Мамлакат қанчалик кўп даражада демократик бўлса, матбуот қанчалик эркин бўлса, давлатнинг молиявий механизмлари ошқора бўлса, коррупция шунчалик ожиз бўлади. Ҳокимият барча тармоқларининг бир-бирини назорат қилиши,

ҳукумат фаолиятига оид ахборотдан эркин фойдаланиши унинг ривожланишига имкон бермайди. Кўпчилик мамлакатлар демократия ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида сиёсий ислохотларни амалга ошириб, коррупцияга қарши курашда жиддий муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Барча тадқиқотчилар коррупция иқтисодийга улкан зарар келтириши масаласида ҳамфикр. Коррупция хусусий сектор даромадларининг каттагина қисмини солиққа тортишдан яшириб қолишга имкон беради. Айрим корхоналарнинг имтиёзлардан (солиқ, кредит ва бошқалар бўйича) фойдаланиши рақобат муҳитини бузади. Бу ҳол тадбиркорларнинг иқтисодий харажатларини оширади ва инвестиция киритиш учун рағбатни камайтиради.

Коррупциянинг тарқалиши ва яширин иқтисодийнинг ривожланиши ўртасида чамбарчас алоқа мавжуд. Бир томондан, ушбу икки ҳодиса маъ-

мурий тўсиқлардан иборат умумий илдизларга эга. Бошқа томондан, улар бир-бирини келтириб чиқаради: тижорат сектори олдида маъмурий тўсиқлар қанчалик кўп бўлса, уларни айланиб ўтишга, жумладан, амалдорларнинг «оғзини мойлаш» орқали четлаб ўтишга интилишлар шунчалик кучли бўлади.

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш мақсадида хўжалик фаолиятидаги ҳисоботларни, жумладан, солиқ ҳисоблаш бўйича ҳужжатларни соддалаштириш, солиқ юқини камайтириш, солиқ таътилларини жорий этиш, либераллаштириш (хусусан, лицензия олиш талаб этиладиган ва ҳаддан ташқари сертификатлаштириш ўтказилаётган йўналишларда) яширин иш кўраётган корхоналарнинг яширин иқтисодийдан чиқариб олиш учун реал имконият бермоқда.

Коррупция даромадларни очик бозор қондаларини четлаган ҳолда яширин тақсимланишини билдиради ва бу ижтимоий адолатсизликка олиб келади. Ғарчи даромадлар микдори ўзгармаса-да, улар қайта тақсимланиб бир қўлдан бошқасига ўтади. Адолатсизликнинг қарор топиши кишиларда ишончсизликнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Юқорида таъкидланганидек, мамлакатимизда коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш мақсадида 2017 йил 3 январда «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Шу асосда айни пайтда аниқ мақсадларга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олган давлат дастурлари тизимли равишда изчиллик билан амалга оширилмоқда. Давлатнинг иқтисодийга ҳаддан ташқари аралашувида барҳам берилмоқда. 2019 йилда Давлат бюджети илк бор кенг муҳокама этилиб, очиклик ва ошқоралик руҳида қабул қилинди. Унда турли вазирлик ва идоралар ҳар бир сўмни нимага ва қандай харажат қилиши аниқ кўрсатиб берилди.

**Коррупциянинг аниқ сабаб ва шарт-шароитларини аниқлашда коррупция ҳақида «огоҳлантирувчи сигналлар» рўйхатининг ишлаб чиқилиши борасида дастлабки қадамлар қўйилди. Худудлар (вилоят, туман) ва идоралар (таълим, соғлиқни сақлаш, қурилиш ва ҳоказо)да коррупция даражаси ҳақидаги жамоатчилик фикрини аниқлаш бўйича социологик тадқиқотлар олиб борилмоқда.**

Иш ҳақлари босқичма-босқич оширилиб, давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш бўйича норматив ҳужжатлар қабул қилиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини ислоҳ қилиш, тиббий хизмат билан, уй-жой билан таъминлаш бўйича имтиёзлар яратилмоқда. Коррупциянинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган идоралардаги сансалорлик ва расмийчиликларга барҳам бериляпти. Қонунчилигимиз ва суд тизими ислоҳ қилинмоқда. Эндиликда Ўзбекистонда хорижий мамлакатларнинг муваффақиятли тажрибасини ўрганиш орқали давлат хизматчиларининг мулк ва даромадлари ҳақида декларациялар олиш ва уларни текшириб, оммага ошқор этиш тизими босқичма-босқич йўлга қўйилади.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги каби халқаро тузилмалар билан алоқаларни янги босқичда давом эттирмоқда. Европа тиклиши ва тараққиёт банки билан ҳамкорлигимиз тикланди. Улар шаффофликни ошириш ва маҳаллий статистикани мувофиқлаштириш борасида ҳукумат билан фаол ишламоқда.

Энг муҳими, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида нореал рақамлар ординда қувиш, амалга ошмайдиган хомхаёлларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услуби танқидий қайта кўриб чиқилди. Амалий натижадорлик, инсон манфаати ва омили ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнаши билан аҳамиятлидир.

Шариф ҚОБИЛОВ,  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Академияси доценти, полковник.







МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

# ОНЛАЙН ДАРСЛАР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

Карантин даврида масофавий ўқиш ва ишлаш энг мақбул йўл эканлигини бугун барчамиз юракдан ҳис этаяпмиз. Шу боисдан Миллий гвардия Ихтисослаштирилган ўқув марказида ҳам онлайн ўқув курслари ташкил этилмоқда.



Навбатдаги ўқув курсларининг олдингиларидан фарқи жиҳати шундаки, ҳудудий бошқармалар базасидаги патруллик отряди ҳарбий хизматчилари ўз малакаларини масофавий тарзда оширишяпти.

— Халқаро тажриба ва бугунги кундаги карантин талабларидан келиб чиққан ҳолда масофавий таълим жорий этилди, — дейди Ихтисослаштирилган ўқув маркази бошлиғи ўринбосари, подполковник Акмал Бобоев. — Биз бундан ҳарбий хизматчилар ва ходимларнинг жисмоний ва руҳий ҳолати яхши даражада бўлишига эришишни кўзлаганмиз. Шу билан бирга, масофавий таълим, нафақат ҳарбий хизматчиларнинг билим ва кўникмаларини шакллантиришга, балки давлат бюджети маблағларининг тежалишига ҳам имкон яратди.

Онлайн курс давомида бир вақтнинг ўзиде 220 нафарга яқин ҳарбий хизматчилар «Маънавий-маърифий тайёргарлик», «Махсус-тактик тайёргарлик», «Ҳарбий-муҳандислик тайёргарлиги», «Касбий психология», «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш» ҳамда «Алоқа тайёргарлиги» каби

машғулотларда видеоконференцалоқа орқали масофадан туриб ўз билимларини оширишди.

— Машғулотларда бевосита Чирчиқ шаҳридан туриб иштирок этдим, — дейди оддий аскар Абдураим Эшназаров. — Онлайн дарслар давомида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича билимларимизни янада ошириб, хизмат жараёнида қўллаяпмиз. Машғулотлар профессор-ўқитувчилар, малакали мутахассислар ва ҳамкор ташкилотлардан таклиф этилган соҳа вакиллари томонидан олиб борилмоқда.

Ихтисослаштирилган ўқув марказининг жисмоний тайёргарлик бўйича инструктори, спорт усталигига номзод Любовь Раҳматуллаева ҳам ҳозирда ҳарбий хизматчилар ва ходимларга жисмоний тайёргарлик борасида ўз тажрибаларини масофадан туриб ўргатяпти.

— Ушбу усул тақомиллаштирилган ҳолда ҳарбий хизматчиларни ўқитиш жараёнини энгиллаштириш ва вақтни тежаш мақсадида республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида татбиқ этилмоқда. Бунда ҳарбий хизматчилар

хизмат жойини тарқ этмаган ҳолда ўзларига зарур бўлган билимларни олишяпти. Биз бу тажрибани ўрганиб, ўқув жараёнига татбиқ этган ҳолда, янада уни ривожлантириш ва кенгайтиришни режалаштиряпмиз, — дейди у.

Дарвоқе, масофадан туриб ўтилаётган дарслар нафақат маъруза шаклида, балки бевосита ўқув жараёни олиб бориладиган спорт иншоотлари ва тоғ тайёргарлиги марказида амалга ошириляпти. Бу эса, албатта, тингловчиларни ўз устиде доимий тарзда ишлашлари учун замин бўлади.

Ихтисослаштирилган ўқув маркази жамоаси курслар давомида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ҳам мутахассислар таклиф этилиб, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни ўтказиш ҳам йўлга қўйилган.

Ана шундай тадбирлардан бирига таклиф этилган Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ ахборот хизмати катта инспектори, майор Шодмон Сафаров ҳамкорликдаги ишлар ҳақида тўхталиб, шундай деди:

— Мазкур тадбирда жорий йил бошидан ҳозирги кунгача пойтахтимизда содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари, турлари ва уларнинг олдини олиш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар таҳлил қилинди.

Дарҳақиқат, вазифаларни ўз вақтида чуқур ўзлаштирган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар хизматда сергак бўлиб, жиноятларни тезда аниқлаб, фош эта олади. Тадбирда фирибгарлик жиноятини содир этиб, қонун ҳимоячиларидан яшириниб юрган шахсни қўлга олган онлайн курс тингловчиларидан бирининг кўмондонлик томонидан муқофотлангани бунинг яққол тасдиғидир.

Қисқа қилиб айтганда, уч ҳафта давомида фанларни пухта ўзлаштирган тингловчиларга сертификат ва «кичик сержант» унвони берилди. Бу ҳарбий хизматчиларга кейинги фаолиятида ўзларига берилган вазифаларни сидқидилдан, садоқат билан бажаришларида муҳим омил бўлиб хизмат қиладди.

**Жасур ШЕРМАТОВ,**  
капитан.

## ХАЛҚИМИЗГА ХОС ОДАТ

Миллий гвардиянинг Наманган вилоятидаги бўлинмалари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни ишончли ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, маҳаллаларда истиқомат қиладиган аҳолининг муаммоларини ҳал этиш ҳамда кам таъминланган, имконияти чекланган ва ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш ишлари давом этмоқда.

Шунингдек, вилоят ИИБ пробация бўлими масъуллари ҳамкорлигида турли кўринишдаги жиноят ва ҳуқуқбу-



зарликлар содир этишга мойил бўлган фуқаролар ва нотинч оилалар билан учрашиб, уларнинг яшаш шароити, ижтимоий аҳволи ўрганилиб, оиладаги муаммоларини бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

## НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛДИ

COVID-19 инфекцияси билан касалланаётганлар сони тобора ортиб бораётганлиги сабабли



Миллий гвардиянинг барча бўлинмалари ҳарбий хизматчи ва ходимлари томонидан мамлакатимиз аҳолисининг карантин қоидаларига риоя этишини таъминлаш бўйича олиб бораётган савий-ҳаракатлари янада жадаллаштирилмоқда.

Дўкон ва дорихоналарнинг карантин талабларига жавоб бериши юзасидан назорат кучайтирилиб, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда савдо марказлари, давлат идоралари ва ташкилотлари, болалар уйингоҳлари, кўп қаватли уйларнинг йўлаклари ҳамда кўчалар ва йўлларда дезинфекция қилиш ишлари давом этмоқда.

## ЁШЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Миллий гвардия ҳудудий бўлинмалари ва Ёшлар иттифоқи кенгашлари ҳамкорлигида ўтган йили Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасасини тамомлаган битирувчиларни олий ўқув юртларида таълим олиши ва келгусида муайян иш билан таъминланишида амалий ёрдам кўрсатилиши бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Миллий гвардиянинг Фарғона вилояти бўйича бошқармаси мутасаддилари мазкур ўқув муассаса битирувчиси, Фарғона шаҳрида истиқомат қилувчи Н.Умаровнинг хонадонига жамоатчилик вакили билан биргаликда ташриф буюриб, унинг қизиқиши ва келажакдаги режалари билан танишдилар. Сўхбат давомида Н.Умаров таълим муассасасида олган билимларини мустаҳкамлаган ҳолда, чет тилларни чуқур ўрганиб, республикамизнинг қадимий шаҳарларида сайёҳларга таржимонлик қилиш мақсади борлигини билдирди. Шундан сўнг унга олий ўқув юртига ҳужжат топширишида амалий ёрдам кўрсатилиши белгиланди ва шу куннинг ўзидаёқ ишга жойлаштирилди.

Шунингдек, Миллий гвардиянинг Қўқон шаҳрида жойлашган бўлинмаси шахсий таркиби томонидан мазкур муассасасини битирган Б. Абдужабборов, Ж. Аҳмедов, А. Мунавваров, А. Мухторжонов, С. Набиев ва Ш.Отабоевларнинг хонадонига бори-

либ, уларнинг бугунги кунда нима билан банд эканлиги ўрганилиб, иш жойи билан алоқа ўрнатилди.

Бундан ташқари, Миллий гвардиянинг Сирдарё вилояти бўйича бошқармаси ҳарбий хизматчилари Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасасини тамомлаган С.Жамолдиннов билан сўхбат ўтказиб, уни Гулистон шаҳрида жойлашган «Вақога текс» масъулияти чекланган жамиятига ишга жойлаштиришди.

Бу каби тадбирлар Навоий вилоятида ҳам амалга оширилди. Ушбу муассасани битирган З. Ниёзов Миллий гвардиянинг Навоий вилояти бўйича бошқармаси ҳарбий хизматчилари кўмағида Хатирчи туманидаги фиш заводида, Э. Негмуродов эса Конимех туманидаги «Бобомурод» фермер ҳўжалигига ишга жойлашди.

**Нафосат ЗАФАРОВА,**  
оддий аскар.



ИИВ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

# МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА ЎЗЛУКСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашда ички ишлар органларининг самарали фаолияти жуда муҳим ўринни эгаллайди. Сўнгги йилларда соҳа фаолиятини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар биринчи галда ички ишлар идораларини халқчил тузилмага, фуқароларнинг чинакам ҳимоячисига айлантиришга қаратилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича жиддий ислохотлар амалга оширилаётганлиги, тизимда айрим камчиликлар мавжудлиги, соҳа учун барча даражадаги раҳбарларнинг ҳамда ходимларнинг малакасини ошириш ва мақсадли тайёрлаш тизimini ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, ички ишлар органлари тизimini такомиллаштириш, «Жиноят ҳақиқати ва адолати», «Қонун ва адолат – устувор, жиноятга жазо – муқаррар» каби тамойилларни амалда қарор топтириш, энг аввало, соҳа ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш билан боғлиқ. Бу борада ИИВ Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда ички ишлар органлари ходимлари билан малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича бир неча ўқув йиғинлари ўтказилди. Жумладан, февраль-март ойларида профилактика инспекторлари, патруль-пост хизмати бўлинмалари раҳбарлари ва ички ишлар идо-



ралари бошлиқларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосарлари учун малака ошириш сайёр ўқув йиғинлари ўтказилди. Февраль ойида институт базасида туман-шаҳар ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлимлари (бўлинмалари) ходимлари, жиноят қидирув бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари) тезкор вакилларининг малакаси оширилди.

Ўқув жараёнларига хорижий давлатлардаги ҳамда республикаимиздаги етакчи таҳлилий марказларнинг



малакали мутахассисларини жалб этишга эътибор қаратилди. Хусусан, жорий йил 25–27 февраль кунлари вазирликнинг Эксперт-криминалистика бош маркази билан ҳамкорликда Беларусь Республикасининг «Регула-

компанияси малакали мутахассислари иштирокида институт базасида малака ошираётган эксперт-криминалистика бўлинмалари ходимлари учун семинар-тренинг ташкил этилди.

Бундан ташқари, 2020 йилнинг ўтган даври мобайнида жойларда ташкил этилган ўқув йиғинлари доирасида «Истиқболли авлод» республика ижтимоий ахборот маркази мутахассислари томонидан «Одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноятларга қарши курашиш» мавзусида семинар-тренинг машғулоти ўтказилди.

Мамлакатимизда карантин тартиби жорий этилгани муносабати билан институт кафедралари томонидан тингловчиларнинг масофавий таълим платформаси орқали таҳсил олишларини ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилди. Жумладан, пандемия даврида вазирлик раҳбариятининг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида «модуль тизими»га асосланган инновацион педагогик технологиялар, интерфаол методлар ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофавий (виртуал) ўқитиш тизими ташкил қилинди.

Қайд этганимиздек, институтда виртуал дарсларни ўтказиш амалиёти йўлга қўйилиб, айна кунда

кенг татбиқ этган ҳолда ўтказиш йўлга қўйилди. Хусусан, ушбу янги тизим асосида яқинда шаҳар ва туман ички ишлар органлари ташкилий бўлинмаларининг 42 нафар ходими бир ой давомида 4 та модуль асосида масофавий таълим тизимидаги тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштирди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, институтда профессор-ўқитувчилар масофадан туриб, мамлакатимизда ва хорижий олий таълим муассасаларида ўтказилаётган онлайн-видеоконференцияларни ҳам кузатиб бормоқда.

Ўтказилган сайёр ўқув йиғинлари доирасида институт профессор-ўқитувчилари томонидан маҳалларда ва таълим муассасаларида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳам ташкил этилди. Тадбирларда тинчлик-осойишталикни сақлашнинг



**Зафар ЖУМАНОВ,**  
ИИВ Малака ошириш институти бошлиғининг ўринбосари, подполковник.

таълим муассасалари ва амалиёт идоралари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш бўйича меморандумлар лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ўтган давр мобайнида улардан 20 га яқини билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

Профессор-ўқитувчиларимиз малакасини ошириш



аҳамиятини, садоқат, ҳалоллик ва жасорат каби олижаноб фазилатларнинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бундай тарғибот тадбирлари Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги таълим муассасаларида «Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни кўз қорачигидек асранг!» шиори остида «Ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш – долзарб вазифа» мавзусида ўтказилди.

Институт зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш ўқув жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш, республикаимиз ва хориждаги турдош таълим муассасаларида тўп-ланган илғор тажрибаларни ўзлаштириш, ушбу муассасалар ҳамда вазирликнинг соҳавий хизматлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга боғлиқ. Шу боис республикаимиздаги қирққа яқин

масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муқаддас семинарлар, қисқа муддатли ўқув курслари ҳамда маҳорат дарслари ташкил этиб келинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Бош илмий методик маркази билан ҳамкорликда институт профессор-ўқитувчилари учун «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» малака ошириш курси ўтказилди. Бундан ташқари, ўнга яқин профессор-ўқитувчиларимиз Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида малакасини оширди.

Бугунги кунда институт жамоаси ўқув-методик жамуаларни замон талаблари асосида такомиллаштириш, услубий адабиётларни тайёрлаш, карантин қоидаларини ҳисобга олган ҳолда масофавий ўқитиш тизimini кенгайтириш борасида кенг қўламли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

(Архив суратларидан фойдаланилди).

ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ ТОРГОВЛЕ ЛЮДЬМИ

# НЕ СТАТЬ «ЖИВЫМ ТОВАРОМ»

Торговля людьми – один из опасных видов транснациональной организованной преступности, нарушающих основополагающие права человека – на жизнь, свободу и безопасность, быть свободным от пыток, жестокого или унижающего достоинство обращения, работать в справедливых и благоприятных условиях.

В Узбекистане развернут широкий фронт борьбы с этим социальным злом: принимаются действенные меры по предотвращению преступлений, связанных с торговлей людьми, устранению условий, создающих возможность их совершения, пресечению противоправных действий алчных лиц, желающих нажиться на разрушении судеб людей, их страданиях.

По информации Национальной комиссии по противодействию торговле людьми и принудительному

труду, в результате проведения профилактических и организационных мероприятий в 2019 году количество преступлений, связанных с торговлей людьми, в Узбекистане уменьшилось на 22 процента. Вместе с тем, как было подчеркнуто на заседании Комиссии, состоявшемся 17 июня 2020 года, это не повод для самоуспокоения: противодействие торговле людьми требует дальнейшего повышения эффективности принимаемых мер, обеспечения результативного международного сотрудничества и взаимо-


действия правоохранительных органов, продолжения целенаправленной разъяснительно-пропагандистской

работы по информированию широких слоев населения об угрозах данного вида преступной деятельности.



## Обещали лучшую жизнь...

По результатам исследования Республиканского центра «Ижтимоий фикр», проведенного при содействии Республиканского социально-информационного центра «Истикболли авлод», наиболее часто жертвами торговли людьми становятся мужчины от 30 до 50 лет и женщины от 25 до 40 лет. Мужчины, попавшие в сети торговцев «живым товаром», в большинстве случаев эксплуатируются на объектах строительства, выполняют непомерно тяжелую физическую работу; женщин вынуждают работать на вредных для здоровья производствах, они подвергаются сексуальной эксплуатации.



Как показал опрос, 52,5 процента граждан, подвергшихся эксплуатации, в стремлении быстрее разбогатеть, из-за низкого уровня правовой культуры, необдуманно совершили поступки, оказались в руках преступников, доверившись случайным, незнакомым лицам. Остальных обманули люди, хорошо им знакомые (41 процент), в том числе состоящие с ними в родстве (3,2 процента). Вербовщики и посредники обещали потенциальным жертвам хорошие условия труда, высокий заработок, лучшую жизнь... Однако по прибытии на место граждане оказывались в фактическом рабстве: у них отбирались документы и деньги, они лишались права на передвижение, к ним применялись физическое насилие и психологическое давление.

...10 февраля 2020 года оперативными сотрудниками ГУВД Ташкентской области были задержаны женщины, представлявшие Дилафруз и Умидой. Из меж-

дународного аэропорта города Намангана рейсом «Наманган – Москва» они пытались отправить в Россию четырех девушек, обещая найти высокооплачиваемую работу. При этом говорили, что готовы покрыть им дорожные расходы. Однако установлено, что истинная цель отправки девушек за границу была иная – в стране назначения они должны были заниматься проституцией.

Кто же эти Дилафруз и Умидой? Первая – жительница Касансайского района Наманганской области Р. М., 1981 года рождения. Ее поделница – жительница Папского района Наманганской области У. Н., 1987 года рождения.

У. Н. работала в салоне красоты. Девушкам, приходившим в салон, она рассказывала о «безграничных возможностях» близкой знакомой – «Дилафруз». Поверивших байкам, У. Н. знакомила с «Дилафруз», той самой Р. М. За каждую потенциальную жертву У. Н. получала от Р. М. «долю». Р. М. же «специализировалась» на том, что через социальные сети подыскивала «клиентов» для отправляемых в Москву девушек. А дальше все шло по отработанной схеме: прибытие девушек за границу, изъятие сводниками документов, принуждение к проституции, унижение, запугивание, угрозы.

## Ответственности не избежать

Торговля людьми – общественно опасное деяние, связанное с куплей-продажей человека либо его вербовкой, перевозкой, передачей, укрывательством или получением в целях его эксплуатации. Уголовным кодексом Республики Узбекистан за совершение данного преступления предусмотрено суровое наказание. Глубоко ошибаются те, кто думает, что, совершив чудовищное – продажу человека, они избегут наказания. Нет, и пример тому – следующий факт.

12 марта текущего года в Ташкентском международном аэропорту сотрудниками Главного управления борьбы с терроризмом и экстремизмом МВД во взаимодействии с оперативными сотрудниками УВД Бухарской области в результате совместных мероприятий по рейсу «Дубай–Ташкент» задержана гражданка З. Б., 1994 года рождения, жительница Каракульского района Бухарской области. З. Б. за совершение преступлений, предусмотренных ч. 2 ст. 135 («Торговля людьми») и ч. 2 ст. 223 («Незаконный выезд за границу или незаконный выезд в Республику Узбекистан») УК Республики Узбекистан находилась в розыске с 2018 года.

За свои деяния З. Б. ответит по всей строгости закона. Жизнь в итоге расставила все по своим местам. И это было лишь делом времени.

Радик ТУМΠΑРОВ,  
корреспондент «На посту».



## БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

Азалдан Ватанимиз буюк зотларга бешик бўлиб келган. Ўтган асрда ҳам юртимиздан номи жаҳонга маълум машҳур олимлар етишиб чиққан. Ана шундайлардан бири Ҳабиб Абдуллаев (1912–1962) эди.

*Балки устоз Ойбекдек тўлиб,  
Ўзажаксан янги бир дoston.  
Балки Ҳабиб Абдулла бўлиб,  
Саҳроларда очажаксан кон.  
Тупроғи зар, маъданим маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.*

Абдулла ОРИПОВ



## МАШҲУРИ ЖАҲОН ОЛИМ

У Қирғизистоннинг Ўш шаҳри яқинидаги Аравон қишлоғида дунёга келди. Ўрта Осиё индустрия институтининг кончилик факультетини тугатгач, геология-разведка партияси раҳбари, кейинроқ мазкур таълим муассасасининг фойдали қазилмалар кафедраси доценти, сўнгра институт директори вазифаларида ишлади. 1942 йилдан Ўзбекистон ҳукумати раисининг ўринбосари, 1944 йилдан Давлат план комиссияси раиси лавозимларида фаолият кўрсатди. Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳукумат аъзоси ва геолог олим сифатида фронт ҳамда фронт ичкарасини зарур ресурслар билан таъминлаш, стратегик аҳамиятдаги қазилма бойликлар конларини қидириш

раҳбарлик лавозимларида ишлаганига қарамай, илмий изланишлардан асло узоқлашгани йўқ. Ана шу илмий тадқиқотлари натижаси ўларок, 130 дан ортиқ илмий асар яратди.

Олим эндоген руда ҳосил бўлиши назариясини ривож-

тоғлари магматизми ва металлогениясининг асосий хусусиятлари» монографияси яратилди, «Ўрта Осиё магматизми ва рудаланиш жараёни» асари нашр этилди.

**А**кадемик Ҳабиб Абдуллаев руда пайдо бўлишининг гранитоид

ҳамияти ва Буюк Британия Қироллик минералогия Ҳамиятининг аъзоси эди.

Олим Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти сифатида республикада иқтидорли ёшлардан фаннинг турли соҳалари, жумладан, гео-



ҳамда ишга тушириш билан шуғулланди.

1946 йилда докторлик диссертациясини ёқлади. 1947 йилдан Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, бир вақтнинг ўзида Геология институти директори ҳамда унинг петрология ва металлогения бўлими раҳбари вазифаларида ишлади.

**Х**абиб Абдуллаев 1952–1955 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси техника ва геология-кимё фанлари бўлимининг раиси, 1955–1956 йилларда Ўзбекистон ҳукумати раисининг ўринбосари лавозимларида самарали фаолият юритди. 1956 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон Фанлар академиясига раҳбарлик қилди.

У узоқ йиллар масъул

лантирди, вольфрам, қалай, рангли ва қора металллар руда конларининг турли йўллари билан ҳосил бўлганлигини кўрсатиб берди. Ҳабиб Абдуллаев руда пайдо бўлиши жараёнларининг магматизм ҳамда бу жараёнлар рўй берадиган геологик муҳит таъ-

лантирди, вольфрам, қалай, рангли ва қора металллар руда конларининг турли йўллари билан ҳосил бўлганлигини кўрсатиб берди. Ҳабиб Абдуллаев руда пайдо бўлиши жараёнларининг магматизм ҳамда бу жараёнлар рўй берадиган геологик муҳит таъ-

*Академик Ҳабиб Абдуллаев руда пайдо бўлишининг гранитоид интрузиялар билан генетик боғлиқлиги соҳасидаги илмий иши учун собиқ иттифоқнинг юксак мукофоти билан тақдирланган. Олимга жаҳондаги барча йирик руда конлари шаклланиш хусусиятларига бағишланган «Металлогения — фойдали қазилма конларини қидириб топишнинг геологик асоси» монографияси учун вафотидан кейин, 1970 йилда Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти берилган.*

сири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини аниқлади. Унинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида «Чотқол-Курама

интрузиялар билан генетик боғлиқлиги соҳасидаги илмий иши учун собиқ иттифоқнинг юксак мукофоти билан тақдирланган. Олимга жаҳондаги барча йирик руда конлари шаклланиш хусусиятларига бағишланган «Металлогения — фойдали қазилма конларини қидириб топишнинг геологик асоси» монографияси учун вафотидан кейин, 1970 йилда Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти берилган.

Унинг асарлари хорижий олимлар таклифи билан немис, инглиз ва хитой тилларига таржима қилинган. Академик Ҳабиб Абдуллаев бир қатор минтақавий илмий

логия бўйича миллий кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшди. Унинг раҳбарлигида 7 киши докторлик, 28 киши номзодлик диссертациясини ёқлади.

Олимнинг мамлакатимизда илм-фаннинг ривожига, илмий нашрлар тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида яна узоқ гапириш мумкин. Ҳабиб Абдуллаевнинг 2002 йилда мустақил Ўзбекистоннинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлангани жаҳонга машҳур олимимизнинг илмий ва ташкилотчилик фаолиятига берилган муносиб баҳо бўлди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геология ва геофизика институтига, пойтахтимиздаги кўчалардан бирига, 193-мактабга, Учтепа туманидаги маҳаллаларнинг бирига Ҳабиб Абдуллаев номи берилган. Мазкур институт қошида олимнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи музей ташкил этилган. Забардаст олим таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб унинг ҳаёти ва илмий ҳамда жамоатчилик фаолияти ҳақида «Қўл етмас чўққи» номли эсдаликлар китоби чоп этилган.

**Бобомурод ТОШЕВ тайёрлади.**

## Биласизми?

ТУПРОҒИ ЗАР,  
МАЪДАНИМ  
МАНИМ

Мамлакатимиз ҳудудида тахминан юздан ортиқ минерал хомашёлар мавжуд. Уларнинг олтмиш тундан халқ ҳўжалигида аллақачон самарали фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон олтин, уран, мис, табиий газ, воль-



фрам, калий тузи, фосфоритлар, каолин каби фойдали қазилмалар захираси бўйича нафақат МДҲ давлатлари ўртасида, балки бутун дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Жумладан, олтин ва уран захираси бўйича дунёдаги ўнтак давлатлар рўйхатида қиради. Заминимиз нефть, газ, кўмир, туз, фосфорит каби қазилма бойликларга, қурилиш материалларига бой.

Республикаимизда дастлабки нефть ва газ конлари Фарғона водийсида, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари ҳудудида топилган. Газлида табиий газ конлари 1960 йилдаёқ ишга туширилган. Асосий кўмир конлари эса Тошкент ҳамда



Сурхондарё вилоятларининг тоғли ҳудудида жойлашган.

Кейинги пайтларда хорижий ҳамкорлар билан биргаликда қазилма бойликларни разведка қилиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Навоий вилоятида олтин, мис ва бошқа ноёб ме-



таллар қидирилмоқда. Шунингдек, хорижий инвесторлар билан олтин ва вольфрам конларини ўзлаштириш ишлари амалга ошириляпти.

ТРЕТИЙ СЕКТОР

# БЛАГОДАРНОСТЬ ГРАЖДАН

По всей стране, согласно постановлению Президента «О первоочередных мерах по обеспечению ускоренного социально-экономического развития регионов» от 8 августа 2017 года, налажена деятельность секторов по социально-экономическому развитию городов и районов. Жители махаллей, проживающие на территориях, подотчетных третьему сектору, во взаимодействии с сотрудниками органов внутренних дел сообща решают имеющиеся проблемы.

Граждане, проживающие на территории третьего сектора, которым руководят начальники отделов внутренних дел Ферганской области, идут со своими проблемами в штабы третьего сектора, сотрудники которых ответственно подходят к выполнению возложенных на них обязанностей.

К примеру, в доме Баходиржона Холматова, проживающего по улице Мехригиёв МСГ «Найман», в Кувинском районе, имелись условия для

выращивания крупного рогатого скота, но не было денег на его покупку. С этим вопросом он обратился к руководителю сектора по социально-экономическому развитию Кувинского района подполковнику Элёржону Хайдамову. Его обращение было рассмотрено в короткий срок, и филиал Агробанка выделил Баходиржону Холматову кредит в размере 14 миллионов сумов для развития животноводства. Теперь он разводит скот и обеспечивает семью.



Маликахон Бахриддинова, жительница МСГ «Кайирма», обратилась к руководителю сектора с просьбой выделить субсидии для постройки теплицы. Рабочая группа изучила материальное положение семьи. Средства выделили. На приусадебном участке была возведена теплица. Теперь вся семья обеспечена работой.

На территории третьего сектора имеется 14 сходов граждан махаллей, здесь проживают 54 236 человек. В условиях карантина рабочая группа сектора уделяет серьезное внимание социальной защите жителей, материальной и психологической поддержке людей, из-за пандемии временно оставшихся без работы.

Так, были зарегистрированы 436 нуждающихся и 233 временно лишившихся дохода семей. Согласно утвержденному плану, им оказывается необходимая помощь. На сегодняшний день 418 семей, благодаря спонсорской поддержке, получили продукты первой необходимости, 11 – выдали деньги, 4 – передали баранов и крупный рогатый скот, 26 – птицу. 36 человек получили постоянную, а 76 – сезонную работу.

57 жителям выделили землю под повторный посев.

За шесть месяцев текущего года рабочая группа третьего сектора регулярно посещала дома граждан, изучала уровень жизни населения. В результате 16 семей получили субсидии на возведение теплиц, 9 граждан – кредиты для развития животноводства.

– Ни одно поступающее от жителей обращение не остается без внимания, – говорит начальник организационного отдела Кувинского РОВД, ответственный секретарь третьего сектора лейтенант Камолдин Мадалиев. – За истекшие шесть месяцев были положительно решены два обращения, касающиеся проблемы обеспечения питьевой водой, 4 – по вопросу энергоснабжения, 10 – по обеспечению баллонами со сжиженным газом.

Штабы третьего сектора становятся той инстанцией, которая всегда поможет решить любую проблему.

**Абдувосит СИДИКОВ,**  
корреспондент «Postda».

*На снимках: рабочая группа сектора в действии.  
Ферганская область.*



COVID-19

## ЖЕСТКИЕ МЕРЫ В ЦЕЛЯХ БЕЗОПАСНОСТИ

С 10 июля из-за роста числа заболевших COVID-19 в стране вновь введены ограничения на передвижение транспорта. В связи с ужесточением карантинных мер в Самарканде начались рейды с участием сотрудников Управления безопасности дорожного движения, Национальной гвардии и Государственной инспекции санитарно-эпидемиологического надзора.

Правоохранители проверяют соблюдение правил карантина. Гражданам не рекомендуется выходить на улицу без необходимости.

Гражданам разрешается передвигаться на личном транспорте с 7.00 до 10.00 утра и с 17.00 до 20.00 вечера.

– Ежедневно выявляем десятки нарушителей, – говорит сотрудник УБДД УВД Самаркандской области ря-

довой Анвар Ибрагимов. – Многие водители ссылаются на плохое здоровье, но это не означает, что можно нарушать установленные правила. Если возникают проблемы со здоровьем, следует вызвать медперсонал из семейной поликлиники или же обратиться в «скорую помощь».

По словам начальника диспетчерской службы УБДД



УВД области капитана Нурриддина Хайитова, в результате профилактических рейдов с начала года было

выявлено 90 911 нарушений, в том числе 25 014 грубых, 817 – связанных с вождением автотранспортных средств в

нетрезвом состоянии и 5 252 – совершенных пешеходами.

В первый день введенных ограничений в Самарканде продолжали ездить автомобили, хотя их и стало заметно меньше. Инспектора УБДД не штрафовали водителей, но разъясняли им, что без разрешительного стикера передвигаться запрещено.

Сегодня улицы города практически пусты. Каждый из нас должен понимать, что введенные меры направлены на обеспечение безопасности народа, здоровья наших отцов, матерей и детей, нашего будущего.

**Замира БАЛТАЕВА,**  
корреспондент «На посту».

*Фото автора.  
Самаркандская область.*

# ҚЎШСАҲИФАДА —

**Бухоро – илм-фан, маданият ва маърифатда дунёга ном таратган буюк алломалар юрти. Қолаверса, ўзининг бетакрор тарихий обидалари билан маълуми машҳур. Ана шундай табаррук заминнинг тинчлиги, осойишталигини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда вилоят ички ишлар органлари ходимлари кечани кеча, кундузни кундуз демай, хизмат вазибаларини сидқидилдан адо этмоқдалар.**



## ХИЗМАТИМИЗДАН ЭЛ РОЗИ БЎЛСИН

Ҳозирги пайтда вилоятдаги барча шаҳар ва туманларда карантин қоидаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари томонидан бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, вилоят ИИБ Патруль-пост хизмати ва Миллий гвардия ходимлари томонидан жойларда овоз кучайтиргич мосламалари ёрдамида карантин тартиб-қоидаларига риоя этишга қаратилган тарғибот ишлари олиб борилаяпти. Чет эллардан қайтган фуқароларнинг хонадонлари карантинга олиниб, зарур эҳтиёт чоралари кўриляпти.

Шунингдек, оғир бетоб ва ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳолидан хабар олиш, уларни озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам доимий эътиборда. Бундан ташқари, бозорлар ҳамда озик-овқат дўконлари сотувчилари ўртасида нарх-навои асоссиз оширмаслик бўйича тарғибот ишлари олиб борилаяпти. Барча ходимларимиз тиббий ниқоблар ва антисептик воситалар билан таъминланган.

Маълумки, шу йилнинг апрель ойида Туркманистон ҳудудидан кириб келган кучли шамол натижасида вилоятнинг Қорақўл ва Олот туманлари катта талафот кўрди. Ходимларимиз табиий офат оқибатларини бартараф этиш йўлида жонбозлик кўрсатишди. Жумладан, биргина Қорақўл туманидаги 50 та маҳаллада табиий офат оқибатларини бартараф этиш, аҳолига ёрдам кўрсатиш ишига 300 нафарга яқин ходимлар жалб қилинди. Осойишталик посбонлари фуқаролар хонадонлари ҳамда

ижтимоий тузилма объектиларининг шикаст етган ва бузилган жойларида олиб борилган тозалаш ишларида фаол қатнашишди.

Жорий йилнинг ўтган 6 ойида жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида бир қатор амалий ишлар ташкил этилди. Хусусан, вилоятда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва қидирувдаги жиноятчиларни ушлашга қаратилган «Ҳамкор», «Қидирув» тадбирлари ўтказилди. Жиноятчилик таҳлиллари асосида ўтказилган «Тун» ва «Кўча» тадбирлари жараёнида тунги қоровуллик кучайтирилди. Тунги хизматга жалб қилинган ходимлар айнан белгиланган жойда ҳушёр ҳолда хизматни олиб бориши учун зарур шарт-шароит яратилди.

Жиноятларнинг олдини олишда биринчи гада аҳоли ўртасида ҳисобот учрашув-



лари ўтказган бўлсак, иккинчидан, жиноят содир этишга мойил шахсларни ҳисобга

олиб, улар билан жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигида профилактик ишларни олиб бордик. Бунинг натижасида жиноят содир этишга мойил бўлган 3975 нафар шахс ҳисобга олинди, профилактик



ҳисобда турган 7419 нафар шахс билан тезкор-профилактик ишлар ташкил этилди.

Вилоят ҳудудида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш

га қарши курашиш ҳақиқати ва адолати» деб номланган янги тизим асосида вилоятнинг криминоген вазияти оғир, жиноят сони ошган маҳалларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка

лотлари сифати янада оширилмоқда.

Вилоятнинг 3-секторларида камбағалликни қисқартириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Жумладан, 493 минг 429 нафар фуқаронинг ижтимоий аҳоли ўрганиб чиқилиб, 31 минг 101 нафари муҳтожлик даражасига тушиб қолгани аниқланди. Шақлантилган рўйхат асосида «Хонадон дафтари» юритилиб, уларга ташаббускор тадбиркорлар бириктирилди.

«Саховат ва кўмак» умум-халқ ҳаракати доирасида 15 минг 673 нафар ижтимоий кўмакка муҳтож ва эҳтиёжманд фуқарога 5 миллиард 611 миллион сўмлик манзилли ёрдам кўрсатилди. Меҳнатга лаёқатли ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш борасида манзилли ишлар белгилаб олинди, 1674 та иш ўрни яратилди. Мисол учун айтадиган бўлсак, Вобкент туманида Туркиянинг «Осмоноглу Тижарет» компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган «Гарден Бухоро Агро кластер» МЧЖга қарашли интенсив боғида 100 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

Профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида соҳавий хизмат ходимларидан иборат 15 та ишчи гуруҳ томонидан вилоят ҳудудида ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш ишлари олиб борилмоқда. Улар ҳозирга қадар Бухоро ва Когон шаҳарлари, Пешқў ва Ромитан туманларида фаолият олиб боришди.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят ички ишлар органлари ходимлари тинчлик ва осойишталиқни сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун бор имкониятларни ишга солмоқдалар.

**Мансур ҚОДИРОВ,**  
вилоят ИИБ бошлиғининг  
биринчи ўринбосари,  
подполковник.



МУЛОҲАЗА

# АФУ ЭТГАЙСИЗ!

Халқимизнинг ўтган аср бошларидаги ҳаёти акс этган сахна асарини томоша қилаётганим. Асар қаҳрамонларидан бири иккинчисидан «Афу этгайсиз!» деб кеңирим сўради. Аввалига ҳаёлимдан «Бу одам нега «в» товушини «у» деб талаффуз қилди?» деган савол ўтди. Кейин «Чунки у араб ёзувида савод чикарган. Бу ёзувда «вов» харфи ўрнига қараб «в» тарзида ҳам, «у» тарзида ҳам талаффуз қилинади», деб ўзимга изоҳ бердим.

Лекин, гапнинг тўғриси, ҳеч ким «афв» сўзини айнан ёзилган шаклида айта олмайди: ё «авф» дейди, ё спектакль қаҳрамонига ўхшаб «афу» дейди.

Тилимизда бунга ўхшаш сўзлар талайгина. «Қаъи назар» жумласида ҳам шу каби муаммога дуч келамиз. Одатда кўпчилик «қатъий назар» деб айтади.

«Мутולה», «мудофаа», «металл», «грамм» каби сўзларда охириги товуш умуман талаффуз қилинмайди. Шундай экан, уни шу тақдир ёзишдан нима наф? Бу саводхонлики қийинлаштирайдими? «Дориламон», «асқатмоқ», «обдан» сўзларини тегишанча «дориломон», «асқотмоқ», «обдон» тарзида ёзсақ тўғри бўлмайди?

Балки, мулоҳазаларимга тилшунос олимлар «Бошқа тиллардан сўзлар ўша тиллар қонун-қоидасига мос равишда асл ҳолида олинади», деб эътироз билдиришар. Хўш, нега ўша ажнабий сўзларни она тилимизнинг табиатига мослаштириб, бошига дўппи кийдириб, белига белбоғ боғлаш мумкин эмас? Қолаверса, келиб чиқиши «ёғмур» бўлган туркийча «ёғмир» сўзини асл ҳолида тиклаш керак, деб талаб қилмаяпмиз-ку. Чунки шу ҳолида тилимизга сингиб бўлган.

Хуллас, тилимиз раволигини қийинлаштирадиган бунга ўхшаш чигалликлар талайгина. Менимча, уларнинг илдизи оғзаки ва ёзма нутқнинг ўзаро номувофиқлигига бориб тақалади. Аслини олганда, ёзма нутқ имкон қадар оғзаки нутққа яқин бўлиши керак эмасми? Ахир, у оғзаки нутқнинг ёзувдаги ифодаси-ку. Қачонки ана шу тамойилга қатъий риоя қилинса, ўзбек тили дарслиқларидаги «Ундай айтилгани билан бундай ёзилади» қабилидаги қоидалар кескин камадаи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек

тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида ўзбек тилининг ёзма нутқи меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини тўлиқ жорий этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш Давлат тилини ривожлантириш департаментининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Ана шу вазифаларни бажариш жараёнида юқоридагига ўхшаш муаммоли масалалар ҳал этилса, она тилимизнинг табиатига ҳар томонлама мос ва хос меъёр ҳамда қоидалар жорий этилса, айна мудао бўларди. Шундан сўнг имкон қадар мукамал имло лугатини яратиш ҳам бугуннинг талаби, деб ўйлайман.

Сўнги пайларда айниқса ёшлар ўртасида «маладес», «браво», «смайлик», «бутик», «лайк», «окей», «хайп» каби сўзларни ишлатиш тобора русум бўлиб боряпти. Ваҳоланки, улардан айримларининг ўзбекча муқобиллари бор, йўқларини эса мутахассисларимиз она тилимизнинг ички имконият-

ларидан келиб чиқиб тақлиф этсалар бўлади. Савдо дўконлари, овқатлашиш масканлари, ўкув марказлари ва шунга ўхшаш жойларни ажнабий сўзлар билан номлаш ҳоллари ҳам учраб турибди. Ахир, бунинг ўрнига менталитетимизга хос ва мос, бири биридан чиройли ўзбекча номлар қўйиш мумкин-ку.

Илгарилари газета ва журналларни, китобларни ўқиб ахборот, билим олишдан ташқари, саводхонлигимизни ҳам оширадик. Ҳозир эса баъзи босма оммавий ахборот воситаларидаги, айрим хусусий нашриётлар чоп этаётган китоблардаги хатоларни кўриб таъбингиз хира бўлади. Кўпгина интернет нашрлари блогерларни-ку гапирмай қўя қолай. Тўғри, тезкорлик керак, лекин адабий тил қоидалари бекор қилингани йўқ. Бизнингча, бу соҳаларда ҳам ўзбек адабий тили меъёрларига риоя этилишини назорат қилиш, керак бўлса талаб қилиш пайти келди.

Тўғри, мен тилшунос эмасман. Аммо журналист сифатида она тилимиздан фойдаланганимда шунга ўхшаш чалқашликларга дуч келиб тураман. Мабодо, айрим фикр-мулоҳазаларим ноўрин бўлса, афу этгайсиз.

**Бобомурод ТОШЕВ,**  
«Postda» мухбири.

# ЁМОН КЎНИКМАЛАРГА КЎНИКМАНГ

Хар бири-мизнинг кундалик одатга айланган кўникмаларимиз бор. Масалан, кимдир эрта туришни, яна кимдир ҳар куни бир соат китоб ўқишни одат қилган. Айримлар рўзгорнинг кам-кўстига, борига кўникиб яшайди. Бу кўникиш сабр-қаноат тушунчасига яқинлиги учун ҳам ижобий хусусият. Аммо яна шундай кўникмалар борки, улар онгу шууримизни зимдан кемиради, давлат ва жамиятнинг тараққий этишига халал беради.



Оддий мисол, бизда қурувчи қураётган биносининг бўйидан, энидан уриб бўлса ҳам манфаат кўришига оддий ҳолдек қараймиз. Ҳамма шундай қилади, деймиз. Ёки кечагина каттагина маблағ сарфланиб, янгитдан асфальтланган кўчага кимдир осмондан тушгандай қувур ўтказиш тақлифи билан чиқади. Қарабсизки, кўча яна бузилади. Унга фалон сўм сарфлангани билан эса ҳеч кимнинг иши йўқ.

Мурсою мадорага меҳримиз шу қадар баландки, кўп нарсаларга кўникиб кетаверамиз, муаммо ва камчиликларни кўриб кўрмасликка оламиз. Ёки, дейлик, битта ташкилот ёки корхонада бошқиликнинг келини қизидан тортиб холавагача, аммаваччаларигача ишлашига йўл қўйиб берамиз. Ҳақиқий мутахассис иш сўраб келса, дарров ундан иш ўрни яширилади. Шунинг учун ҳам бизда

«Таниш-билишинг бўлмаса, ишга жойлашиб бўлмайди» деган кўникма шаклланиб қолган. Кўп соҳаларда орқада қолаётганимизнинг асл сабаби ҳам шунда эмасми?

Оғайничилик, таниш-билишчилик, маҳаллийчилик жамиятни ичдан емиради. Салбий кўникмаларнинг кўпайиб, илдиш отишига шарт яратлади.

Ақсарият қишлоқ мактабларининг моддий-техник ба-

заси ёмон аҳволдалигини кўпчилигимиз биламиз. Албатта, бунга қачон давлат маблағ ажратса, кейин янгиланади, деган ёмон кўникма ўрнашиб қолган онгимизда. Ваҳоланки ўша мактабларнинг айримларида яхшигина ер майдони бор. Ана шу ердан унумли фойдаланиб, иссиқхона қуриш ёки директор фондидани, ҳомийлар ёрдами биланми, қўй, мол, парранда олиб боқиш мум-

кин. Дарсдан бўш вақтларда ўқувчилар ҳам кўнгилли сифатида ёрдам беришса, ҳам жамоавий меҳнатга ўрганади, ҳам тажриба орттиради. Мактабдаги қоровул, фаррош, хўжалик ишлари бўйича мудири кун бўйи бекор юрмай, фойдали меҳнат билан банд бўлади. Қарабсизки, мактабнинг ўзининг жамғармаси, пули бўлади.

Сирасини айтганда, бизни, жамиятни чоғга тортадиган кўникмаларга кўникмайлик. Ўз қобилигимизга ўралиб олиб эмас, балки одамлар ва жамият билан бирга яшайлик. Жамоатчилик назоратининг кучи ана шунда кўринади. Ана шунда одамлар маҳалласидаги дўконда яширинча грамлаб ароқ сотилишига жим қараб турмайди. Фарзанди ноқобили оилага, чикиндини кўча юзига ташлайдиган хонадонга, табиий газ ёки электр энергиясидан ўгринча фойдаланадиган шахсга танбех беради. У қурилиш бўладими, кўчани таъмирлаш бўладими, сифати, харажати ҳақида мутасаддилар одамлар олдида очиқ-ойдин изоҳ, ҳисобот беришади. Раҳбар ҳам, оддий фуқаро ҳам ўз фаолияти, хатти-ҳаракати доимо назоратда эканлигини сезиб яшайди.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**  
«Postda» мухбири.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

## ЧАНГАЛЗОР ҚИРОЛИ ҲАМ ҚЎРҚАРҚАН

Хиндистоннинг Ассам штатида рўй берган сув тошқини пайтида Ҳайвонот боғидаги 92 бош ҳайвон ноубуд бўлди. Шер чўки кетмаслик учун чангалзорга қочмоқчи бўлди. Аммо серкатнов кўчадан кесиб ўтишга чўчиди. Шунинг учун хонадонлардан бирига кириб жон сақлашни маъқул кўрди. Табиийки, хонадон аҳли кўрқиб кетиб, қочиб қолди.

Уй эгаси воқеа ҳақида полицияга хабар берди. Воқеа жойига етиб келган полициячилар аввал кўчадаги автотранспорт қатновини тўхтатишди. Сўнг пакидқоларни пакиллаб, арслонни аранг уйғотишди. Жонивор уйқудан туриб, хонадондан чиқиб, кўчани хотиржам кесиб ўтиб, қадрдон макони – чангалзорга йўл олди.



## МЕРОПРИЯТИЕ

## На защите жертв бытового насилия

В Академии МВД Республики Узбекистан состоялось мероприятие на тему «Не становитесь жертвой бытового насилия», организаторами которого выступили УКД ОВД Мирзо-Улугбекского района столицы и руководство Академии.



Цель проведения мероприятия – реализация Указа главы государства от 18 февраля 2020 года «О мерах по оздоровлению социально-духовной атмосферы в обществе, дальнейшей поддержке института махалли, а также поднятию на новый уровень системы работы с семьями и женщинами».


Во встрече приняли участие директор Республиканского центра реабилитации и адаптации женщин Насиба Миродилова, старшие инспектора по вопросам женщин 7-го и 8-го ОВД УКД ОВД Мирзо-Улугбекского района – майор Шоира Исламова и подполковник Дилюром Мирхаликова, а также курсанты и сотрудники по воспитательной работе Академии.

Выступившие отметили роль женщины в семье, рассказали о гендерном равенстве. По их словам, самое главное – не только защита женщин от бытового насилия, но и предотвращение самих случаев насилия.

Директор Республиканского центра реабилитации и адаптации женщин Н. Миродилова рассказа-

ла присутствующим о том, что в республике создано 197 реабилитационных центров, в которых предоставляется помощь женщинам, подвергшимся насилию, и членам их семей. С начала этого года в центры поступило около 10 тысяч обращений.

– Огромную помощь нам оказывают инспектора органов внутренних дел по вопросам женщин, – сказала Н. Миродилова. – В сотрудничестве с ними мы проводим работу по предупреждению бытового насилия и предоставлению



необходимой помощи и правовой поддержки пострадавшим женщинам.

Присутствующие с интересом просмотрели видеоролик, подготовленный пресс-службой ГУВД г. Ташкента, в котором раскрывается тема взаимоотношений членов семьи и роли женщины в семье.

– В Мирзо-Улугбекском районе столицы с начала этого года выдано порядка 40 охранных ордеров, – говорит майор Ш. Исламова. – Эти ордера не только дают женщинам поддержку и защиту от физического, психологического, морального и другого насилия, но и помогают найти свое место в обществе. Мы проводим профилактическую работу с населением. При необходимости, выдаем охранный ордер сроком от 1 до 2 месяцев. Отмечаю, что ордер может быть отменен или продлен в соответствии с обращением заявителя.

В завершение мероприятия спикеры ответили на все интересные вопросы курсантов.

Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,  
корреспондент «На посту».

## БЫВАЕТ И ТАКОЕ...

## Американец посетил «коронавирусную вечеринку» и умер

30-летний мужчина пришел на массовое мероприятие, участники которого специально собрались вместе, чтобы проверить, заразятся ли они коронавиру-



сом. В результате американец подхватил инфекцию и попал в больницу, где впоследствии скончался. «Думаю, что совершил большую ошибку. Я был уверен, что коронавирус ненастоящий», – привела медсестра последние слова пациента.

## Будущее уже сегодня!

На дорогах Китая впервые появятся полностью беспилотные автомобили.



В данный момент несколько компаний занимаются разработкой беспилотников, однако во время поездок на водительском сидении находится сотрудник, отвечающий за безопасность. В случае экстренной ситуации он может перевести автомобиль на ручной режим управления.

Компания WeRide – первая в Поднебесной получила разрешение на испытание беспилотников без водителя. Безопасность будет дистанционно обеспечивать специальный диспетчер.

## Молодцы!

В Ростовской области (Россия) местный житель вышел на перекресток и самостоятельно «разрулил» пробку, причиной которой стал вышедший из строя светофор. Он воспользовался всего лишь своим зонтиком.



Водители начали сигналить в знак признательности. Кто проезжал рядом, благодарил вслух.

## ИЗ ЗАЛА СУДА

## ЧУЖОЕ НИКОГДА НЕ БУДЕТ СВОИМ...

Есть люди, которые не делают должных выводов из совершенных ими недостойных поступков и снова сворачивают на кривую жизненную дорожку.



Гражданин К. М., житель города Нукуса, отбыв срок наказания, не стал заниматься полезным трудом. Он нашел себе друзей-алкоголиков и стал вести «беззаботную» жизнь.

Однако подобный образ жизни требовал денег, а их К. М. катастрофически не хватало. Не имея постоянного заработка, он решился на кражу. Взломав дверь одного из женских салонов красоты, К. М. собрал попавшиеся под руки инструменты и скрылся с места преступления. Он продал краденое по дешевке, а выручку потратил на алкоголь.

Но денег оказалось мало, поэтому некоторое время спустя наш «герой» обчистил на 1 миллион сумов один из магазинов. Не «остыв» от двух совершенных преступлений,

он пошел на очередное – проин в салон свадебных нарядов, украл три мужских костюма и отнес их в дом одного из друзей.

Когда К. М. прятал краденые вещи, ему показалось, что он взял мало. Вор снова вернулся в салон и набрал большое количество вещей. Но, выходя из дверей салона, наткнулся на сотрудников органов внутренних дел.

Растерявшийся К. М. сначала не мог прийти в себя, а затем признал свою вину. В ходе дознания раскрылись ранее совершенные им преступления.

На судебном заседании К. М. было назначено справедливое наказание.

Сагатдин НУРАДИНОВ,  
подполковник,  
Азамат ПИРНИЯЗОВ,  
корреспондент «На посту».  
Республика Каракалпакстан.



ПРЕСТУПЛЕНИЕ И НАКАЗАНИЕ

# В ПОГОНЕ ЗА ПРИЗРАЧНОЙ НАЖИВОЙ

Что заставляет человека идти на преступление?

В подавляющем большинстве случаев это элементарное желание пожить, получить деньги любым доступным способом, включая насильственный.

Конечно, гражданин, идущий на преступление, прекрасно осознает, что ожидает его впоследствии, а потому особых иллюзий не строит. Он понимает всю меру ответственности, особенно если преступление совершает не в первый раз.

Вот как объяснял свои действия житель Яшнабадского района столицы некий Владислав Шустров, заметьте, уважаемые читатели, ранее не судимый.

— Ну, как так получилось?.. Даже не знаю, как и объяснить толком свой поступок. Ладно, скажу, как есть. Приехал я, значит, по своим делам в Зангиату — там мне встретиться кое с кем из ребят нужно было. Ну, встретились, посидели, пообщались, так сказать, по душам. Естественно, выпили, закусили. Потом я закончил свои дела и уже домой собираться стал. Иду, значит, по трассе, смотрю — поле. А там... Я, честно говоря, не очень в наркоте разбираюсь. Нет, ну знаю, конечно, какое растение как выглядит. А там по краю поля кто-то коноплю посадил. И черт меня дернул на это

дело. Ну, выдернул я несколько кустов, домой их привез. Потом другу своему, Олегу Малышеву, показал: говорю, мол, смотри, Олежка, в поле в Ташобласти нашел.

Он меня похвалил за это. Говорит: «Молодец ты, парень, хорошо поступил, я из этих кустиков марихуаны насушу, потом продадим — денежки хорошие поймеем». Так и сделали.



У нас три пакетика вышло. А как продать? Я в этих делах не мастер, да и не знаю, кого заинтересует наркота. Мне Олег и говорит: «Не твоя печаль, есть у меня один знакомый, его Рашидом зовут, ему все места известны, где и кому продать можно по выгодной цене».

В общем, пришел скоро этот Рашид, ему мы эти пакетики и отдали. Вот вроде бы и все. А дальше вы, гражданин следователь, знаете, как было...

После того как Малышев и Шустров из листьев наркотикосодержащей конопли изготовили марихуану

весом более сорока одного грамма, они передали ядовитое зелье Рашиду Суюнову для реализации. Вскоре он был задержан сотрудниками органов внутренних дел, при нем была часть наркотика.

После в квартире Олега Малышева проведут осмотр, в ходе которого обнаружат оставшуюся часть вещества. По заключению химической экспертизы, проведенной в ГУВД г. Ташкента, вещество содержит наркотический компонент «тетрагидроканнабинол» и называется «марихуана».

Общий вес наркотика — 41,41 грамма. По окончании следствия, проведенного в СО при УКД ОВД Яшнабадского района города Ташкента, В. Шустров, О. Малышев и Р. Суюнов предстали перед судом и получили, что называется, по заслугам.

Исход, конечно же, ясен и прост, — совершено преступление, за которое было определено соответствующее наказание. Однако есть повод задуматься: стоило ли жертвовать свободой ради получения преступной прибыли? Стоило ли ради этого коверкать свою жизнь?

(Имена и фамилии вымышлены, любые совпадения имеют случайный характер.)

Георгий ПЕТРОСЯН,  
корреспондент «На посту».

## Информационная служба

### УВД Самаркандской области сообщает:

#### Разбой на 4 миллиона

Поздней ночью жительница махалли Бадал Самаркандского района, 64-летняя М. Б., услышав чьи-то шаги, вышла во двор. Женщина увидела двух незнакомцев в масках и перчатках. Набросившись на нее, они потребовали показать, где хранятся золотые украшения.

Хозяйка дома стала сопротивляться, тогда грабители нанесли ей несколько ударов. Проникнув в дом, они похитили 4 000 000 сумов, два мобильных телефона марки Nokia и скрылись с места происшествия.

По данному факту сотрудники следственного отдела при Самаркандском РОВД возбудили уголовное дело согласно п. «в» ч. 3 ст. 164 Уголовного кодекса Республики Узбекистан («Разбой»).

В ходе оперативно-розыскных мероприятий было установлено, что данное преступление совершили жители города Самарканда — 33-летний Б. А. и 28-летний Ш. А. В качестве вещественного доказательства был изъят мобильный телефон марки Nokia X-2.



#### Дело о разводе

В Самаркандской области правоохранители арестовали мошенника при получении денег в размере 1 300 долларов США.

Было установлено, что гражданин А. С. пообещал решить вопросы по аннулированию брака жителя района Н. с его супругой и воссоединению с несовершеннолетним сыном, оказав содействие через своих знакомых в судах. Стоимость услуги мошенник оценил в 1 300 долларов США.

В отношении А. С. возбуждено уголовное дело по ч. 1 ст. 168 («Мошенничество») и ст.ст. 28, 211 («Дача взятки») УК Республики Узбекистан. Ведется следствие.

## РАЗЫСКИВАЮТСЯ



**МОНИН Евгений Алимович**, 1983 года рождения, проживавший по адресу: Ташкентская область, Ахангаранский район, МСГ «Озодлик», дом 7, квартира 29, за совершение преступлений, предусмотренных ч. 2 ст. 246, ст. 28, ч. 5 ст. 273 УК Республики Узбекистан.

\*\*\*



**УСМОНОВ Уткир Паизкулович**, 1969 года рождения, проживавший по адресу: Ташкентская область, Аккурганский район, ССГ «Охунбоев», за совершение преступления, предусмотренного п.п. «в», «г» ч. 2 ст. 169 УК Республики Узбекистан.

\*\*\*



**АЗИЗОВ Ерхан Ерматович**, 1983 года рождения, проживавший по адресу: Ташкентская область, Аккурганский район, ССГ «Дустлик», улица Бог, дом 54 «А», за совершение преступления, предусмотренного п. «в» ч. 4 ст. 169 УК Республики Узбекистан.

\*\*\*



**ДВОРЕЦКАЯ Екатерина Владимировна**, 1974 года рождения, проживавшая по адресу: Ташкентская область, Ахангаранский район, МСГ «Эйвалек», дом 5, кв. 16, за совершение преступлений, предусмотренных ч. 1, п. «а» ч. 2, п. «б» ч. 3 ст. 168, п.п. «а», «б» ч. 2 ст. 228 и иными статьями УК Республики Узбекистан.

Сведения, способствующие розыску, просим сообщать в Ахангаранский РОВД по телефону: (70) 645-15-14 либо в ближайший отдел внутренних дел.



## ОДАМ САВДОСИ – ОЛАМ МУАММОСИ

## ЗҲҲРЛИК ҚИЛГАН НАФС

Отамни эслай олмайман. У бизни болалигимизда ташлаб кетган. Уч болани улғайтириш онамга осон бўлмади. Опамнинг жигари касал, укам эса вақти-вақти билан руҳий касалликлар шифохонасида даволаниб туриши керак эди. Шунинг учун тоғамнинг ёнига, Булунгурга кўчиб бордик. Шу ерда турмушга чиқдим, бир йил деганда ўғилли бўлдим. Қайнонамга ёқмасдим, ижарага чиқдик. Эрим ичкиликка ружу қўйди. У билан ёшимиз орасида фарқ катта бўлгани учунми, келиша олмасдик.

Ажрашганимизда иккинчи фарзандимга ҳомилдор эдим. Бу орада опам жигар циррозидан вафот этди. Жиззахга кўчдик. Туғилган жойим Сардобага бормасликка қарор қилгандик. Онам ортиқча гап-сўзлардан қочганди. Балки аламли ўтмишини эслатувчи жойларга боргиси келмагандир.

Онам нон сота бошлади. Мен ҳам иш қидира бошладим, икки болам билан унга юк бўлмаслигим керак эди. Шу боис кўшни квартирада ижарада турадиган раққоса аёллардан бири: «Қўрамгина экансан, тўйга чиқсанг бўлмайди, раққоси ўзим ўргатиб қўяман», деганида дарҳол рози бўлдим.

Хирс ёки нафрат билан тикиладиган нигоҳлар ҳамда мастларнинг хиралигига чидасанг бўлди экан. Одамларга эътибор бермасликка ўргандим. Тўй кўпайган пайтлари пулим ортадиган бўлди. Аммо ҳамма фаслда ҳам тўй бўлавермайди. Россияга кетишга қарор қилдим, у томонларда ишлаб, уйига яхшигина пул жўнатаётган танишларим бор эди. Қишда бир амаллаб Самарага етиб олдим, кафеда идиш-товоқ ювардим. Изгиридан баданни тешиб юборай дейди, кундузи бир амаллаб чидаса бўлади. Лекин ярим кечасигача ишлайдиган кафеда ҳаммадан кейин қолиб, ишлаш осон эмасди. Берадиган пулининг ҳам таяини йўқ.

Иш қидираётганимни сезгандек бир дугонам интернет орқали боғланди ва Дубайда гўзаллик салонида фаррошлик қилиб, ойига минг доллар топишим мумкинлигини билдирди. Кейин ишонасининг суратларини жўнатди, кўп ўтмай салон хўжайини Равшана исмли аёл билан гаплаштирди. Унинг сўзларини эшитиб, эриб кетишимга оз қолди. Ижарада яшаётган онам, икки болам ва уканим йўладим.

Ваъда қилганидек, Равшана йўл харажатларини кўтарди. Чиптам бўлишга қарамасдан ҳужжатларимдаги камчилик сабаб аэропортуда ушлаб қолишди. Равшана Россиядаги танишлари билан гаплашиб, мени Озарбайжон орқали чиқариб юборди.

## «КЎНИКИБ КЕТАСАН...»

Дубайда кутиб олган Равшана меҳмонхонага жойлаштириш учун паспортимни олди. Хонада 5 та қиз бор эди,

майсан. Ўзбекистондан қонунни бузиб чиқиб кетгансан, бу ерга қонунни бузиб киргансан, полицияга борган тақдирингда ҳам қамаласан. 6 мингги ишлаб берсанг, хохла кет, хохла топангингни 50 фоизини менга берасан, ўзим ҳимоялайман, ҳозир тур-да, дискога туш».

Қизлардан бири мени кийинтириб, меҳмонхонанинг пастки қаватига олиб тушди. Диско деганлари рақс зали экан. Шу ердан маст-аласт эркеклар қизларни олиб кетишади.

## СИНИҚ ТАҚДИРЛАР



Қаерда бўлмайлик, икки эркек кузатувида эдик. Кунига бир марта овқатни беришарди. Пул топмасанг, ўша овқат ҳам йўқ.

## «ЖИНИСИФАТ БЎЛИБ ҚОЛГАНДИК»

Бизга 50 ёки 100 доллар тўлашарди, пулни Равшана оларди. Ит азоби бошимизга тушганди, жинни-сифат бўлиб қолгандик. Бўлар-бўлмасга кулардик, ҳазилларимиз, гапларимиз топиш-тутишимизга мос, ордан йироқ эди.

Равшана тиним билмас, дам бизларни ишчилар шаҳарчасига олиб бориб, туни билан 5-6 тасига кўшарди, дам бойларнинг виллаларига элтарди. Қизлар ора-сирга йўглаб-сиқтаб, касал онаси ёки боласини даволатиш учун пул сўраб оларди. Уйга жўнатилган пуллар озиқ-овқат, кийим-кечак, атир-упа харажатларига қўшилиб, бизни тобора қарз ботқоғига ботирарди.

Ҳар сафар меҳмонхонага жойлашшимиздан олдин паспортимизни кўрсатишимиз керак эди. Шу боис ҳужжатларимиз доим Равшананинг сумкасида турарди. Ҳеч эсимдан чиқмайди. 26 март куни бизни меҳмонхонага энди киритмоқчи бўлганда Равшана бир эркек қақириб қолди. Шунда у мен ва яна бир қизнинг пас-

портини бериб, ичкарига киришимизни буюрди.

Бу қулай имконият эди. Қолаверса, биз Равшананинг пуллари қаерда туришини билардик. Ўша пуллари ўғирладик. Дугонанинг арабчани оз-моз билиши аэропортга тақсиди етиб олишимизда қўл келди. Бир амаллаб Туркияга бордик. Уйга қайтиш учун онамга кўнғироқ қилдим. У ёрдам сўраб ички ишлар органларига мурожаат қилди. Хуллас, элчихона орқали қайтиб келдик.

Ўзбекистондан ноқонуний чиқиб кетганлигим учун жавобгарликка тортилдим. Қисқаса, пул ортидан қувишим кўп ташвиш келтирди. Қанчадан-қанча хўрликларни бошдан ўтказдим. Кўнглим қорайгани, гуноҳга ботганим, қадрим тупроққа қоришгани қолди. Соғлигимни йўқотдим.

Ўтмишим ҳақида ўйламасликка, умуман ҳеч нарса ҳақида бош қотирмасликка ҳаракат қилмаман.

## «ҲАР ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА ЖАЗОСИНИ ОЛАДИ»

– Айни вақтда икки фуқаронинг аризаси асосида Равшана Шаҳриевага нисбатан халқроқ қидирув эълон қилинган, унинг одам савдоси билан боғлиқ бошқа жиноятлари тўғрисида ҳам маълумотларга Эгамиз, – дейди Жиззах вилояти ИИБ терриоризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўлимининг ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили, капитан Хуршид Эгамбердиев. – У ҳар қандай ҳолатда жазосини олади. Бўлимимиз ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда одам савдоси қурбони бўлишга мойил шахсларни аниқлаб, уларни ишга жойлаштириш, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш чораларини кўрмоқда. Бу йўналишда давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилинапти. Оммавий ахборот воситалари орқали тарғиботни кучайтиряпмиз. Кузатув ва суриштирув тадбирлари натижасида шу йилнинг ўтган даврида 20га яқин кишининг одам савдоси қурбонига айланишининг олди олинди.

(Жиноят тафсилотидаги исм-шарифлар ўзгартирилди).

Алижон АБДУСАТТОРОВ,  
«Postda» мухбири.

Жиззах вилояти.

## ОРИЯТНИ УНУТГАН АЁЛ

Инсон яралганидан бери қанча замонлар ўтди, тузумлар ўзгарди. Турли урф-одат ва қонун-қоидалар ҳам шунга мос равишда таомилга кирди. Таассуфки, биз яшаётган XXI асрга кўплаб эзгу амаллар, анаъаналар билан бирга башариятни таназзулга олиб борувчи одам савдоси каби жирканч иллат ҳам ўтди.

...Бухоро шаҳрида яшовчи Зубта Хушбахтова (исм-шарифлар ўзгартирилди) оилали, эллик уч ёшда. У илгари судланган бўлса-да, ҳалол яшаш ўрнига яна жиноятга қўл урди.

У 2007–2008 йилларда Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрига борганида Асалои Саноева билан танишган, унинг хануз ўша ерда эканлигини биларди. Кўр кўр билан қоронғида топиши: иккиси ўзаро тил бириктириб, аёлларни чет элга алдаб жўнатиб, улар ортидан мўмай даромад топишни режалаштирди. Шунга кўра, «операция» бошланди. Зубта Бухоридан асосан енгилтабиат қизларни топиб, уларни Дубайга юборарди. У ёқда эса Аса-

лой кутиб олиб, меҳмонхонага жойлаштирар ва фоҳишалик қилишга мажбурларди.

2019 йилнинг август ойида Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи номига фуқаро Лазиза Яхшиева ариза билан мурожаат қилди. Аризада Бухоро шаҳрида яшовчи Зубта исмли шахс уни фоҳишалик билан шуғулланиши учун Дубай шаҳрига, Асалои исмли аёлнинг олдида жўнатаётганини баён этиб, уларга нисбатан қонуний чора кўрилиши сўралган эди.

Хўш, Лазизанинг ўзи ким? У қандай қилиб Зубтанинг тузоғига тушиб қолди?

Лазиза турмуш ўртоғи билан Россияда ишларди. Бироздан кейин у юртимизга қайтиб

келади, эри эса ўша ёқда қолади. Лекин кўп ўтмай турмуш ўртоғи бир аёлга илақиб, пул жўнатмай қўяди.

Шундай кунларнинг бирида Лазиза Россияда танишган дугонаси Ойгулдан ёрдам сўрашга қарор қилади. Ойгулнинг онаси Нодирага учрайди:

– Ҳозир қизим чет элда, аксига олиб телефон рақами ҳам йўқ эди-я, – дейди Нодира афсусланган бўлиб.

Лазиза бу аёлдан наҳот истаб, бошидан ўтганларни ҳикоя қилиб беради.

– Синглим Зубта хорижга тез-тез қатнаб туради, – дейди Нодира Лазизага ачинаб. – Балки, у сизга ёрдам берар. Агар телефон рақамингизни қолдирсангиз, бирор иш топиб беришини илтимос қиламан.

Ораддан кўп ўтмай, Зубта Лазизага кўнғироқ қилиб, Ойгулнинг ҳоласи эканлигини айтади. Аваб, кўнглини кўтариб теда унинг ишончига қиради.

Учрашганларида эса олдида эридан хиёнат кўрган, алмазда аёл турганлиги учунми, Дубайда фоҳишалик қиласиз, дея очик-ойдин айтди.

Бу таклифдан Лазиза чўчиб тушди. Бундай иш қилмаслигини айтиб, кетишга чоғланди. Зубта адашганди. Лазизани ҳаё пардасини бир четга улоқтирган, ҳамма нарсага мажбур, деб ўйлаганди. Шунинг учун аёлни аврашга тушди. Бир нечта ишни таклиф қилди. Зубта меҳмонхона ходими бўлиб ишлаш таклифига рози бўлди.

– Фақат ҳозир пулим йўқ. Олдиндан қарзга пул беролмай-сизми? Ишлаганимдан кейин теда узардим, – деди Лазиза ийманибгина.

– Майли, бир савобга қолай бўлмаса. Йўл пулининг, бошқа харажатингизни ўзим тўлайман. Кейин келишиб кетамиз, – деди Зубта ва қуюққина хайрлашди.

Қолганини Асалои Саноева тезлаштирди. У Лазиза учун Зубтага Дубай шаҳрига киришга рухсат визаси ва «Тошкент – Абу Даби» йўналишдаги авиарейс чиптасини юборди.

Хали Дубайга бормасдан, 1000–1500 АҚШ доллари қарз бўлгани, хали ўзи кўрмаган, билмаган юртга бориш, қандайдир меҳмонхонада ишлаши Лазизага тинчлик бермасди. Ҳаммасини ўзича ҳисоб-китоб қилиб, таниш уяқларидан маслаҳат сўради. Уларнинг фикрини эшитди, қалбига қулоқ тутди...

Ички ишлар органларига қилинган мурожаат нафақат бир жиноятни фош этди, балки қанчадан-қанча содир этилиши мумкин бўлган машъум фалокатларнинг ҳам олдини олди. Зубта Хушбахтова эса қонун олдида жавоб берди.

Мирзоқул АҲАДОВ,  
«Postda» мухбири.

Бухоро вилояти.

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

# ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНияТЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ РУҲЛАНТИРМОҚДА

Сўнги йилларда мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш, сайёҳлар учун янги имкониятлар яратиш учун бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Албатта, сайёҳларни жалб этишда ҳудуддаги диққатга сазовор жойлар билан бир қаторда, у ерда ҳукм сурган тинчлик-осойишталик, хавфсизликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳам муҳим саналади.

Республикаимизнинг шимолий дарвозаларидан бири бўлмиш Нукус халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлашда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан бирга ИИБ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш кўшинларига қарашли Нукус алоҳида батальонининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Батальон шахсий таркиби ўзига бириктирилган объектада хавфсизликни ишончли таъминлаб келмоқда. Маз-

командири, подполковник Камолитдин Кучаров. — Бундан ташқари, юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатлар ва содир этилиши эҳтимоли бўлган террорчилик, қўпурвчилик ҳаракатларидан огоҳлантириш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича чоралар ҳам ишлаб чиқилди.

Батальонда ҳарбий хизматчиларнинг хизмат олиб бориши, улар доимий равишда касбий ва маъна-

ларнинг замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалардан моҳирона тарзда фойдаланиш, жанговар вазиятларда нафақат ўзини, балки сафдошларини ҳам ҳимоя қилиши, зиммасига юкланган вазифани ва берилган жанговар топшириқни сидқидилдан бажариш, оғир вазиятлардан қисқа фурсат ичида чиқиб кетиш кўникмаларини мустаҳкамлаб боришга хизмат қилмоқда.

— Маълумки, хизмат давомида шахсий таркибнинг ахлоқий-руҳий ҳолатини яхшилаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жамоада соғлом муҳитни мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади, — дейди батальон командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари, майор Азиз Элов. — Бу борада батальон ҳарбий хизматчилари орасида қатор маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Ҳафтанинг ҳар жума куни «Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни», муносабати билан машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилган. Албатта, мазкур тадбирлар ҳарбий хизматчиларнинг маънавиятини бойитиб, ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қилишларини таъминлайди.

Шу билан бирга, Президентимиз томонидан илгари

лашган олий таълим муассасалари – Ажиниёз номидаги Нукус педагогика институти ва Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали билан ҳамкорлик қилинмоқда. Мазкур ишларни ташкил этиш ва ўтказишда Ёшлар иттифоқининг

матчиға уй олиш учун узоқ муддатли имтиёзли кредит маблағи ажратилди. Шунингдек, батальонда узоқ йиллар давомида хизмат қилиб, сафдошлари ва ёшларга намуна бўлиб келаётган кичик сержант Фахриддин Назаровнинг фарзандига



кур ҳарбий қисм фаолиятининг устувор йўналишлари ва асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, бўлинмалар ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий-касбий тайёргарлигини янада тақомиллаштириш мақсадида ташкилий, жанговар-хизмат ва техник-муҳандислик тадбирлари ишлаб чиқилган. Энг муҳими, ҳарбий-касбий тайёргарлик бўйича машғулотлар жанговар ҳолатларга яқинлаштирилган ҳолда олиб борилмоқда.

— Ўқув-жанговар йиғинлар мунтазам равишда ўтказил-ляпти, — дейди батальон

вий-маърифий тайёргарлик ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, бўлинмалар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказиш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, батальон ҳарбий хизматчиларининг режали тарзда қатор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда ўтказиладиган махсус машғулотларда ҳам иштирок этиши таъминланган.

Бу, ўз навбатида, ўқув машғулотлари ва машқлар чоғида ҳарбий хизматчи-



сурилган 5 та муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида ҳам батальон ҳарбий хизматчилари учун ҳар чоракда ҳарбий қисмда китоб ярмаркалари ўтказиш йўлга қўйилган. Бунда ҳарбий хизматчилар ўзлари ёқтирган китобларни харид қилиб, бўш вақтларида ушиб асарларни мутолаа қилишляпти.

Батальон ҳарбий хизматчилари ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилаётган тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб келаётир. Бу борада ҳарбий қисмга яқин ҳудудда жой-

ҳарбий қисмдаги бошланғич ташкилоти етакчиси, капитан Омонкелди Салимовнинг алоҳида хизмати борлигини айтиб ўтиш ўринлидир. У 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан ҳарбий қисм кўмондонлиги томонидан рабатлантирилди.

Сир эмаски, карантин сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа ташкилотлар томонидан кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш ва хайрия ёрдамларини кўрсатиш

олий таълим муассасасига ўқишга кириш учун тавсиянома берилди.

Ташрифимиз чоғида бу ерда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ҳаёти билан ҳам танишиб, уларнинг барча қулайликларга эга замонавий ётоқхоналарда яшаётганлигига гувоҳ бўлдик.

— Соҳага қизиқишим туйғайли муддатли ҳарбий хизматни ўташга қарор қилдим, — дейди Ҳўжайли туманилик Асадбек Юлдашев. — Бу ерда ҳарбий хизматчиларга яратилган шароит ва имкониятларни кўриб, соҳага бўлган қизиқишим янада ортди. Шу сабабли, келгусида ҳарбий қисмда қолиб, шартнома асосида хизматни давом эттирмоқчиман.

— Яқинда ҳарбий қисм ҳудудида замон талаблари даражасидаги барча қулайликларга эга бўлган автопарк фойдаланишга топширилди, — дейди биз билан суҳбатда батальон командирининг таъминот бўйича ўринбосари, подполковник Жамшид Ибрагимов. — Бу йилнинг ҳар қандай мавсумида мавжуд ҳарбий техникаларни жанговар шай ҳолатида сақлаш ва қулай шароитда таъмирлаш ишларини олиб боришга имкон беради.

Батальон ҳарбий хизматчилари яратилган имкониятлардан руҳланиб, куч олиб, фойдаланган ҳолда зиммаларидаги вазифаларни виждонан бажариб, тинчлик-осойишталигимиз ишончли қўлларда эканлигини исботлаб келишмоқда.

Азамат ПИРНИЯЗОВ,  
«На посту» муҳбири.

Қорақалпоғистон Республикаси.



## ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

# МАҚСАД – АҲОЛИГА СИФАТЛИ ХИЗМАТ ҚИЛИШ

**Мамлакатимиздаги барча соҳалар сингари ички ишлар органлари тизимида ҳам бир қатор ислохотлар амалга оширилиб, бунинг натижасида юртимиз фуқароларига кўплаб қулайлик ва имкониятлар яратилди.**



Жумладан, аҳолининг муаммоларини шу жойнинг ўзида ҳал этиш, уларнинг узоққа бориб сарсон-саргардон бўлишининг олдини олиш ҳамда ички ишлар органлари ходимларини халққа янада яқинлаштириш мақсадида мамлакатимиздаги туман ва шаҳар ички ишлар органлари негизда ҳудудий ички ишлар бўлим ва бўлинмалари ташкил этилди.

Пойтахтимизнинг Сергели тумани ИИОФМБ 1-сонли ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида бўлим навбатчилик қисмига келиб тушган 1361 та ариза, шикоят ва хабарларнинг деярли барчаси ўз вақтида қаноатлантирилди. Айниқса, улар орасида ўғрилик, фирибгарлик ва оила-турмуш

ла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи 62 ёшли Баҳодир Аҳмедов. – Энди эса барча ишларим шу жойнинг ўзида ҳал бўлди.

Бугунги кунда «Сўғдиёна», «Қипчоқ», «Саховат», «Нурҳаёт», «Иттифоқ», «Нилуфар», «Навқирон», «Олчазор» ва «Софдил» маҳалла фуқаролар йиғинларига хизмат кўрсатувчи бўлим ходимлари куну тун фаолият олиб бормоқда. Худудда 55 мингга яқин аҳоли истиқомат қилиб, шундан 11 мингдан ортигини вояга етмаганлар ташкил қилади.

Ҳозирда ҳудуддаги 6900 га яқин оила кўп қаватли уйларда, 3100 дан ортиқ оила эса ҳовлиларда истиқомат қилиб, уларга 9 та маҳалла фуқаролар йиғини, яна шунча ички ишлар органлари таянч пункти, 47 та хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати хизмат кўрсатмоқда.

Маъмурий ҳудудга 3089 та видеокузатув каме-

расмига фуқаро Х. Е. мурожаат этиб, ўз аризасида шу куни 11:00ларда туманнинг Сергели-2 мавзесида жойлашган кўп қаватли уйларнинг ораллиғида ёши 25–30лар атрофидаги номаълум кимса бўйнидаги тилла тақинчоғини тортиб олиб, воқеа жойидан ғойиб бўлганини билдирди.

Кузатув мосламасидаги тасвирлар мазкур жиноятнинг тез фурсатларда фош бўлишига ёрдам бериб, қонунбузар зудлик билан қўлга олинди. Туманнинг «Олчазор» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи муқаддам судланган 27 ёшли Р.Ш. келтирилган далиллар олдида мулзам бўлиб, қилган жиноятини тан олишдан бошқа чораси қолмади.

**Ўтган 6 ой давомида ҳудудда 63 та жиноят қайд этилган бўлса, шундан 29 таси ижтимоий хавфи катта бўлмаган, 16 таси унча оғир бўлмаган, 12 таси оғир ва 6 таси ўта оғир жиноятлар туркумига киради. Жиноят қидирув йўналиши бўйича 39 та қонунбузарлик аниқланиб,**



**улардан 1 таси қасддан одам ўлдириш, 2 таси талончилик, 7 таси ўғирлик, 9 таси фирибгарлик, 2 таси баданга ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказиш, 2 таси қалбақ ҳужжатлар тайёрлаш билан боғлиқ жиноятлар ҳисобланади. Шунингдек, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар сони 11 тани, иқтисодий жиноятлар эса 4 тани ташкил қилиб, улар-**



**нинг деярли барчаси «иссиқ изи»да фош қилинган. Пوراхўрлик, яъни, коррупция билан боғлиқ жиноятлар эса содир этилмаган.**

Шунингдек, бўлимнинг Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари томонидан ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга ошириляпти.

– Айни пайтда фуқароларнинг карантин қоидаларига риоя этишларини назорат қилиш ва ҳуқуқбузарликка мойил бўлган шахслар билан профилактик суҳбатлар олиб бориш янада кучайтирилди, – дейди Иттифоқ маҳалласига хизмат кўрсатувчи ички ишлар органлари 231-сонли таянч

ди Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлиммаси хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, подполковник Светлана Мун. – Жорий йилнинг 6 ойи давомида оила-турмуш доирасидаги жанжаллар туфайли 18 нафар аёлга ҳимоя ордери бердик.

Масалан, «Софдил» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Қ.У. мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиши натижасида хотини Қ.Н.га нисбатан руҳий ва жисмоний таъйиқ ўтказган. Олиб борилган саъй-ҳаракатлардан сўнг, унинг хотини Қ.Н.га ҳимоя ордери беришга мажбур бўлди. Ҳозирда бу оила вақиллари билан профилактик тушунтириш ишлари янада кучайтирилди. Бундан ташқари, оилавий келишмовчиликлар туфайли бизнинг бўлимимизга мурожаат этган 13 та оила яраштирилди. Бунда маҳалла оқсоқоллари ва фалоларининг хизмати муҳим аҳамият касб этди.

Худуддаги кам таъминланган, ногирон ва эҳтиёжманд аёлларнинг рўйхати шакллантирилиб, уларга моддий ва маънавий кўмак берилаётир. Шу билан бирга, муқаддам судланганлар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган ҳамда ўз жонига қасд қилишга мойил бўлган аёлларга ҳам ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар бўлимининг барча ходимлари куну тун ҳудуд аҳолисига садоқат билан хизмат қилиб, халқнинг ички ишлар органларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшиляпти.

**Михли САФАРОВ,**  
«Postda» мухбири.  
**Абу КЕНЖАЕВ**  
олган суратлар.

доирасидаги мурожаатлар кўпчилигини ташкил қилди.

– Авваллари фуқаролик паспорти билан боғлиқ масалалар учун ортиқча йўл босиб, туман Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимасига боришимга тўғри келарди, – дейди «Навқирон» маҳал-

раси ўрнатилган бўлиб, содир этилган жиноятларнинг 60 фоизи айнан шу камралар ёрдамида, қолган қисми эса тезкор қидирув ва суриштирув ишлари натижасида фош этилмоқда. Масалан, жорий йилнинг 19 апрель куни соат 20:50ларда навбатчилик

пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Аббор Илҳомов. – Шунингдек, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи объектларда ҳам дезинфекция ишлари олиб борилиб, белгиланган қоидаларга амал қилмаган тадбиркорларга нисбатан тегишли тартибда чора кўрилмоқда.

– Асосий фаолиятим худуддаги хотин-қизлар билан ишлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат, – дей-

## САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

Заминдаги жамики тирик мавжудот каби, инсон ҳам қуёшсиз яшай олмайди. Лекин унинг таъсири меъеридан ошиб кетса салбий ҳолат ҳам кузатилиши мумкин. Қуёшнинг қайноқ тафти таъсирида танадаги қон янада жадал ҳаракатланади, юрак уриши тезлашади. Бу эса гипертония, инфаркт ва инсультга сабаб бўлиши мумкин. Гап шундаки, жазирама туфайли юрак қонни жадал суръатда «ҳайдашга» киришади, организмнинг сувсизланиши оқибатида қон қуюлади ва кислородга кам тўйинади. Натижада гипоксия ёки ҳушдан кетиш кузатилади.



# ЁЗ – КАСАЛЛИКСИЗ ЎТСА СОЗ!

Қон айланишини меъёрлаштириш учун мунтазам равишда сабзавотлар, айникса, лавлаги, сабзи, кўкатларнинг, ўрик, олма, қорағат каби меваларнинг шарбатини ичиш мақсадга мувофиқ. Бунда истеъмол қилинган суюқлик қонга зарур микроэлементларни, аввало, юрак мускуллари учун биринчи ёрдам ҳисобланган калий ва магнийни ҳада этади. Организмни ушбу элементлар билан муттасил таъминлаш учун кундалик таомномага ошқовоқ ва бақлажонни ҳам киритинг.

Юқори ҳарорат ва қизиб кетиш овқат ҳазм қилишда муҳим ўрин тутадиган жигарга салбий таъсир қилади. Ҳаёт учун зарур бўлган гормонлар – пептидлар ишлаб чиқариш жараёни сусаяди. Шу боис иштаҳа йўқолади. Жигарни қандай ҳимоялаш мумкин? Агарда вазият шифокор аралашувини талаб этмаса, барра саримсоқ ва янги цитрус меваларни истеъмол қилинг. Улар гормон ишлаб чиқариш ҳамда ўт йўли фаолиятини фаоллаштиради. Жадал ишловчи органлардан яна бири – буйрак.

Инсон танаси ёзда бошқа фаслларга нисбатан анча кўп сув йўқотади. Организмнинг ҳаддан ташқари сувсизланиши буйрак усти безлари фаолиятининг бузилишига, бу эса қаттиқ руҳий ҳаяжон гормонларининг ишлаб чиқилишига хизмат қилади. Сувсизланиш тана учун жиддий стресс бўлиб, руҳий тушкунлик, депрессия ҳолати ва лоҳасликка сабаб бўлади.

Терлаш орқали организмдан калий ва магний ҳам чиқиб кетади. Бунинг оқибатида асаб толаларининг ўтказувчанлиги ҳамда ҳужайралараро метаболизм сусаяди, мускуллар кучсизланади. Тер орқали чиқиб кетган моддалар ўрнини мунтазам тўлдириб бориш лозим, акс ҳолда, суяклар ва қон билан боғлиқ муаммолар, ҳаттоки, руҳий ҳолатнинг бузилиши

ҳам юзага келиши мумкин. Магний асаб тизими фаолиятини меъёрда ушлаб туради. Кайфият ўзгарувчан бўлиб, тез чарчаш ва уйқуга тўймаслик ҳолати кузатилса, организмни магний билан бойитишга ҳаракат қилинг. Қаттиқ стресс ёки асаб зўриқиши натижасида магний организмдан буғланиб чиқиб кетади. Шунинг учун таркибида магний бўлган жавдари ундан тайёрланган нон, гречка, буғдой кепаги, сўли, какао, исмалоқ каби маҳсулотларни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир.

Қуёш нурунинг ортиқча таъсири инсон терисининг тез қаришига олиб келади. Гап фақат иссиқликнинг террига таъсирида эмас, яъни бу жараёнда тери ости липидларининг оксидланиш жараёни кескин кучаяди, демакки, ёшлик витамини ҳисобланмиш Е микдори тушиб кетади. Оқибатда ҳужайралар мембранаси нозиклашиб, зарар кўради, тери ўз қалинлиги ва текислигини йўқотади.



## ҚОН ДАРМОНИ БАҚЛАЖОН

Юртимизда етиштирилган мева ва сабзавотлар ўзининг мазаси, шифобахшлиги, витаминларга бойлиги билан ажралиб туради. Фойдали хусусиятларга бой сабзавотлардан бири бақлажондир. Шуниси қизиқки, XVIII асрда илк бор келтирилган бақлажонлар оқ ва сариқ рангли бўлган ва ғоз тухумини эслатган. Бугунги кунга келиб, бақлажонлар субтропик ва мўътадил иқлим шароитида етиштирилади.

Бақлажондан турли салатлар, енгил таомлар, қовурма икралар тайёрланади. Пазандаликда бақлажоннинг ёғ ва қайлаларни шимиб олиш хусусияти жуда қадрланади. Шунинг ҳисобига таом чиройли ва тўйимли бўлади. Бақлажоннинг ёғ шимиб олишини истамасангиз, уни тузли сувга бўктириб қўйинг ёки овқат тайёрлашдан олдин озгина қайнатиб олинг.

Унутмаслик керакки, бақлажон таркибидаги витаминларнинг асосий қисми, шунингдек, асаб толаларини асровчи ва саратонга қарши курашув-

чи ҳамда унинг олдини оловчи кучли антиоксидант – назунин моддаси айнан унинг пўстида сақланади. Камқонлик ва камқувватлиликни даволашда бақлажоннинг пўстини арчимасдан пишириш тавсия этилади.

Шарқда бақлажон умрни узайтирувчи сабзавот ҳисобланиб, ундан тайёрланган таомлар қарияларга кўп тавсия этилади.

Бақлажон таркибидаги калий ва бошқа моддалар юрак фаолиятини яхшилайди, қон томирларидаги холестеринли тошмаларни парчалай-

ди. Шу билан бирга, у модда амашинуви бузилганда, жигар, буйрак ва ҳазм қилиш органлари хасталикларидан ҳам ёрдам беради.

Бақлажон оқсил, С ва В6 витаминлари, кальций, темир, магний, фосфор, микро ва макро элементларга бой. Уни доимий тарзда истеъмол қилиш юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, организмни тикинлардан тозалаш, танадаги ортиқча ёғларни парчалаш, қондаги холестерин миқдорини камайтириш, модда алмашинувини яхшилашга хизмат қилади.

Бир қатор фойдали хусусиятларига қарамай, бақлажон ошқозон-ичак тракти (ошқозон яраси, гастрит) касалликлари билан оргиган, шунинг-



дек, диабет хасталигига чалинган ва инсулин терапиясини олаётган беморларга тавсия этилмайди.

Пишиб ўтиб кетган бақлажон таркибида заҳарли соланин моддаси пайдо бўлади ва истеъмол қилинганда, организмнинг заҳарланишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун таом тайёрлашда унча катта бўлмаган, ранги тўқ сиёҳранг, барра сабзавотдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Саҳифа материалларини Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вазирлик Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник **Шавкат НАФАСОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бўлими бошлиғи ўринбосари, майор **Аълоҳон ШОМАХМУДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек тумани бўйича ИИОФМБ раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби Жамоат тартибини сақлашни ташкиллаштириш бўлими бошлиғи, подполковник **Икром МАНСУРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек тумани бўйича ИИОФМБ раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби 3-сонли ИИБ бошлиғи, подполковник О.Салимовга падари бузруквори **РЎЗИМУРОД отанин**г вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



# Детская Страничка

РАССКАЗ

## Автомобиль

Когда мы с Мишкой были совсем маленькими, нам очень хотелось покататься на автомобиле, только это никак не удавалось. Сколько мы ни просили шофёров, никто не хотел нас катать. Однажды мы гуляли во дворе. Вдруг смотрим – на улице, возле наших ворот, остановился автомобиль. Шофёр из машины вылез и куда-то ушёл. Мы подбежали.

Я говорю:

– Это «Волга».

А Мишка:

– Нет, это «Москвич».

– Много ты понимаешь! – говорю я.

– Конечно, «Москвич», – говорит Мишка. – Посмотри, какой у него капор.

– Какой, – говорю, – капор? Это у девочек бывает капор-капор, а у машины – капот! Ты посмотри, какой кузов. Мишка посмотрел и говорит:

– Ну, такое пузо, как у «Москвича».

– Это у тебя, – говорю, – пузо, а у машины никакого пуза нет.



ной дороге, а у автомобиля бампер. Бампер есть и у «Москвича», и у «Волги».

Мишка потрогал бампер руками и говорит:

– На этот бампер можно сесть и поехать.

– Не надо, – говорю я ему.

А он:

– Да ты не бойся. Проедем немного и спрыгнем.

Тут пришёл шофёр и сел в машину. Мишка подбежал сзади, уселся на бампер и шепчет:

– Садись скорей! Садись скорей!

Подошёл милиционер, номер записывает. Шофёр из кабины вылез – все на него набросились:

– Не видишь, что у тебя сзади делается?

А про нас забыли. Я шепчу Мишке:

– Пойдём!

Отошли мы в сторонку и бегом в переулок. Прибежали домой, запыхались. Потом Мишка говорит:

– Мне шофёра жалко: ему, наверно, из-за нас достанется.

Я говорю:

– Надо было остаться и сказать, что шофёр не виноват.

– А мы письмо напишем, – говорит Мишка.

Стали мы письмо писать: «Дорогой милиционер!

Вы неправильно записали номер. То есть Вы записали номер правильно, только неправильно, что шофёр виноват. Шофёр не виноват: виноваты мы с Мишкой. Мы прицепились, а он не знал. Шофёр хороший и ездит правильно».

На конверте написали: «Угол улицы Горького и Большой Грузинской, получить милиционеру».

Запечатали письмо и бросили в ящик. Наверно, дойдёт.

**Николай НОСОВ.**  
(Иллюстрации  
И. СЕМЁНОВА.)



– Ты же сам сказал пузо.  
– Кузов я сказал, а не пузо! Эх, ты! Не понимаешь, а лезешь!

Мишка подошёл к автомобилю сзади и говорит:

– А у «Волги» разве есть бампер? Это у «Москвича» – бампер.

Я говорю:

– Ты бы лучше молчал. Выдумал ещё бампер какой-то. Бампер – это у вагона на желез-

Я подбежал, прицепился рядом. Машина тронулась и как помчится!

Мишка испугался и говорит:

– Я спрыгну! Я спрыгну!


Люди на тротуаре останавливаются, на нас смотрят.

Я говорю:


– Держись, дурак, крепче!

Я увидел, что мы остановились, и слез.

– Слезай, – говорю Мишке.



**А маска тебе игем!**



**Что здесь неправильно?  
А как, по-твоему, должно быть  
правильно?**



### Загадки

Ждали маму с молоком,  
А пустили волка в дом...  
Кем же были эти  
Маленькие дети?

Не имел я, друзья, ничего,  
Кроме имени моего.  
Но могучий мне служит джинн,  
Потому что я...

Ответ: смирно козлят

Ответ: Аллага


## ГОЛОВОЛОМКА ЛЬЮИСА КЭРРОЛЛА

Известный писатель Льюис Кэрролл, тот самый, который создал истории об Алисе и её приключениях в Стране Чудес и Зазеркалье, еще очень любил придумывать головоломки и преподавал логику.

Своим маленьким поклонникам Кэрролл часто предлагал вот такую головоломку.

Задача усложняется особыми условиями её выполнения:

- карандаш от бумаги отрывать нельзя;
- дважды проводить карандашом в одном месте нельзя;
- пересекать линии нельзя.



НАРОДНАЯ МУДРОСТЬ

# АНЕКДОТЫ НАСРЕДДИНА АФАНДИ И РУБАБ – НАЦИОНАЛЬНЫЕ ДОСТОЯНИЯ

Узбекистан, Таджикистан, Азербайджан, Кыргызстан, Туркменистан, Казахстан и Турция предложили включить в список нематериального культурного наследия ЮНЕСКО анекдоты Насреддина Афанди.

Насреддин Афанди, или Ходжа Насреддин, – персонаж анекдотов, притч и сказок, распространенных в Центральной Азии, на Ближнем Востоке, в Китае, Закавказье и на Балканах еще с XIII века.

Есть несколько версий о его происхождении. По одной – его родина Бухара, по другой – Китай. Но это не помешало поклонникам, проживающим в разных уголках мира, установить в его честь памятники в своих странах.

Главная черта Афанди – наличие чувства юмора и мудрости. Из любой ситуации восточный шутник и хитрец, путешествующий по миру на осле, всегда находит выход.

Помимо анекдотов Афанди, Таджикистан, Узбекистан и Иран предложили включить в список нематериального культурного наследия ЮНЕСКО музыкальный инструмент рубаб.



## Анекдоты о Ходже Насреддине



На берегу моря почувствовал Ходжа жажду и немного испил соленой воды. Жажда, конечно, не только не утихла, а, наоборот, в горле у него еще больше пересохло и затошнило. Он прошел немного вперед и нашел пресную воду. Вдоль стал напившись, он наполнил водой тубетейку, потом понес и вылил воду в море. «Не пенись и не вздымайся», обратился он к морю. – Нечего понапрасну кичиться перед людьми; попробуй, какой бывает настоящая вода!»

Как-то раз богатые люди пригласили Ходжу на званый обед. Он надел поношенное платье, и никто не обратил на него внимания. Тогда он незаметно выбрался из-за стола, пришел домой, облачился в пышные одежды, сверху накинул еще шубу и вернулся.


Почтительно встретили Ходжу хозяева дома и посадили за почетный стол. «Пожалуйста, отведайте!» – говорили они, указывая на блюда, от одного вида которых у гостей текли слюнки. В ответ на это Ходжа поднес блюдо к рукаву шубы: «Прошу, шубейка!» – «Что ты делаешь, Ходжа?» – удивились хозяева. «Раз почет шубе,

пусть она и кушает», – заявил Ходжа.

Ходжа бежал изо всех сил, выкрикивая: «Ау-у!». Когда у него спросили, зачем он так делает, он отвечал: «Хочу узнать, как далеко разносится мой голос».

Встретил как-то Насреддина приятель, который давно его не видел.

– Ну, как дела?  
– Все в порядке, – сказал Насреддин. – На все деньги, которые у меня были, я купил пшеницы. Весь урожай, который получился, я отвез на мельницу. Из всей муки, которая получилась, испек хлеб. А весь хлеб, какой вышел, у меня в желудке.



## ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

(с 20 по 26 июля)



**Овен.** В эти дни делайте все размеренно. Возможно изменение планов. Не отвлекайтесь на пустые разговоры. Будьте терпеливы. Вас ожидает выгодное предложение.



**Телец.** То, что вернется к вам естественным образом, заслуживает внимания. Сейчас важно отдавать долги, особенно если о них напоминают. Выполняйте обещания, чтобы не втянуться в конфликт и не создать себе проблему. Выходные будут насыщенными, а хлопоты – приятными и полезными.



**Близнецы.** Непростой период: вас явно хотят обмануть. Сведите к минимуму общение с малознакомыми людьми. Не тратьте деньги на пустые желания, потом пожалеете. Те, кто имеет вредные привычки, должны знать: сейчас благоприятное время для того, чтобы от них избавиться.



**Рак.** В ближайшие дни вы будете как никогда обидчивы. Постарайтесь сдерживать себя, насколько это возможно. Сейчас можно ставить новые цели и думать над путями их реализации.



**Лев.** Проведите серьезный анализ своего прошлого: ошибок, событий. На основе этого придется провести корректировку настоящего. Не поддавайтесь эмоциям, особенно если вас будут на них выводить. И не давайте никаких обещаний! Выходные проведите с пользой.



**Дева.** Положительные перемены ждут вас в ближайшем будущем. Правда, для этого придется приложить немного усилий. Обратитесь за помощью к близкому другу, если она потребуется. Омрачить данный период могут трудности во взаимоотношениях с детьми.



**Весы.** Все ваше внимание должно быть направлено на здоровье! С ним все в порядке, но профилактика не будет лишней! Выделите время на врачей. На работе постарайтесь не браться за важные проекты – сейчас они вам не под силу. Займитесь лучше рутинными задачами.



**Скорпион.** Хорошее настроение на этой неделе вас обеспечено. Пользуйтесь случаем и решайте вопросы. В начале недели может поступить выгодное предложение. Не пропустите! Выходные проведите с семьей.



**Стрелец.** Планирование будущего пока отложите: уж слишком насыщенным окажется настоящее! Готовьтесь к серьезным, но приятным домашним хлопотам. Ко всему относитесь с улыбкой, и все получится. Будьте внимательнее, сидя за рулем.



**Козерог.** Разговоры с родственниками могут не сложиться. Поменяйте свое отношение – и ситуация изменится! Сейчас важно не брать деньги в долг, лучше бросьте все силы на поиск дополнительного заработка. Шансы получить его высоки!



**Водолей.** На рабочем месте вас ожидают не самые приятные сюрпризы. Не открывайте с коллегами. Обратите внимание на собственную семью – они нуждаются в вашей любви и заботе. Но и о себе не забывайте! Теплая ванна, любимая книга и ароматный кофе – то, что нужно.



**Рыбы.** Если вы собрались садиться на диету для похудения, перенесите планы на другое время. В противном случае сил затратить много, а результат радости не принесет. В понедельник вас ждет событие, которое может многое изменить в вашей жизни.


## КАРАНТИН ТАБАССУМИ



Рассом: Хусан СОДИҚОВ

## БУ – ҚИЗИҚ

● Испаниянинг Лансароте оролидаги «El Diablo» ресторанида таомлар газ ёки электр энергияси ёрдамида эмас, ҳаракатдаги (уйғок) вулқоннинг ўта юқори даражали ҳароратида пиширилади.



● Туяқушнинг тухумини қайнатиб пишириш учун камида 2 соат вақт керак бўлади.

● Гугурт дастлаб 1820-йилларда Европада пайдо бўлган. Аммо у ўта хавфли бўлиб, арзимаган ишқаланиш оқибатида ҳам ёни кетиши мумкин эди. Ҳозирги кўринишдаги, яъни хавфсиз гугурт дончалари эса илк мартаба 1855 йили Швецияда ишлаб чиқарилган.

● Зулқда 10 та кўз, ҳар учта жағида қарийб 260 та тиш мавжуд.

● Каламуш баланд бинодан тушиб кетса ҳам жароҳат олмайди.

● Олма кишини қаҳвадан кўра кўпроқ тетиклаштиради.

● Сахрои Кабирда фақат икки марта, 1879 ва 2012 йилларда қор ёққан.



## Жунайд СУАВИ

## ДАДАМ УЧУН НИМАДИР ҚИЛАМАНИ

Чол кўчада оғир қадамлар билан юрар, ора-сирада бироз тин олиб яна давом этарди. Бу йўл ёшлик пайтлариде текис ва равон эди, ҳарқалай, чол шундай хотирлайди. Кейинги йилларда нима бўлса бўлар қабилада йўлга эътибор беришмади ва оқибат шу ҳолатга келганди.

Чол бояқиш бироз юриб тўсатдан тўхтади. Кўзлари бир нуқтага тикилиб қолганди. Етти-саккиз ёшлардаги қизалоқ гилдиракли аравачани юргизиш учун итаришга уринаётганди. Тагин ўнқир-чўнқир йўлдан тепаликка кўтарилиши керак.

Чол курсини бўш деб ўйлади. Аммо яқинлашгач, ҳайратда қолди. Курсида маъносиз кўзлари ҳар ёнга боққан фалаж одам ўтирарди. Чол қизалоқ билан бироз суҳбатлашмоқчи бўлди. Гилдиракли аравачада ўтирган киши қизчанинг дадаси эди. Тез-тез онаси билан уни айлантиришга олиб чиқишар, бугун ҳам дадасини сайрга олиб чиқишганди, тўсатдан онасининг мазаси қочиб дорихонага юрганди. Дадаси аравачаси билан қизчага қолиб кетганди. Чол қизчанинг машаққат билан аравачани итараётганини кўриб:

– Фаришта қизалогим, – дея табассум қилди. – Аравачани итаришга кучинг етмайди-ку, – деди.

Қизалоқ чуқур нафас олди:  
– Буни ўзим ҳам биламан. Лекин дадам учун нимадир қилишим керак-ку!  
– Яхши, билсанг аравачани итарма, – деди.

Қизалоқ бояги сўзларини такрорлади:  
– Дадам учун нимадир қилишим керак-ку? Аравачани итаролмасам ҳам орқага кетиб қолишига йўл қўймайман!..

Турк тилидан Умида АДIZОВА таржимаси.

## ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

## Пул ёлғири

АҚШнинг Жоржия штатида катта тезликда ҳаракатланаётган зирхли инкассатор машинасининг эшиги тўсатдан очилиб, йўлга 175 минг доллар сочилиб кетди. Ана, кўринг томошани! Автомобиллар тўхтаб, ҳайдовчилар пул теришга тушишди. Бу ҳолат то полициячилар етиб келгунча давом этди.

Ҳуқуқ-тартибот посбонлари дарҳол воқеа жойини ўраб олишди ва пулни тегиб олганлар қайтариши лозимлигини таъкидлашди. Етказиб бериш хизмати ҳайдовчиси бу талабни бажарди ва йиққан пулининг ҳаммасини – 2000 долларни полиция ходимларига топширди. Аммо ҳамма шундай қилдимми ёки йўқми – бу бизга қоронғу.



## Хўрозни... суд қилишмоқчи

Францияда тонг сахардан қичкириб, яқин атрофда яшайдиган кекса одамларни уйғотиб юбараётгани учун хўрозни ва унинг эгасини судга беришди. Даъвогарларнинг адвокати «айбдорлар»дан компенсация сифатида 1000 евро талаб қилляпти. Агар қариялар ютиб чиқишса, бу пулни денгизда ҳалок бўлган денгизчиларнинг оилаларига бўлиб беришмоқчи.

Дарвоқе, хўрознинг ҳам тарафдорлари бор. Улар икки марта петиция уюштириб, 155 мингта имзо йиғишди. Эҳ, тиниб-тинчиманган одамлар-ей.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



MUASSIS:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –

polkovnik  
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –

mayor Azizjon FAYZIYEV  
katta leytenant Aziza BAHODIROVA

Mas'ul kotiblar –

Erkin SATTOROV  
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –

Foziljon MAMASHARIPOV  
Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar –

Ilhom JUMANOV  
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:

71-231-33-88;

Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari

bo'yicha:

71-231-38-74;

95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355



91772010535001

Tahririyat

hisob raqami

20210000900447980001.

Bank kodi 00420.

ATIB

«Ipotekabank»ning

Mirobod

filiali.

STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart. Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonada manzili:

Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan no'yxatga olingan.

Buyurtma №V-4239.

Bosilish – ofset usulida.

Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 56 650 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:

Yakka tartibda – 180.

Tashkilotlar uchun – 366.

Bosishga topshirish vaqti – 22.00.

Bosishga topshirildi – 21.00.

Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100070, Toshkent shahri,  
Shota Rustaveli 1-berk  
ko'chasi 9-uy.